



# Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 21 октябрь, № 216 (9111)

Сешанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИ КЕНГ НАМОЙИШ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МАЖМУА

Президент Шавкат Мирзиёев 20 октябрь куни Ислон цивилизацияси марказига ташриф буюриб, бу ердаги экспозициялар орқали халқимизнинг бой тарихий ва маънавий меросини кенг намойиш этишга қаратилган ишлар билан танишди.



Мазкур улкан ва ноёб лойиҳа давлат раҳбарининг 2017 йил 23 июндаги қарорига асосан бошланган. Кўп ўтмай, 2018 йилги Рамазон ҳайити куни унинг пойдевориға тамал тоши қўйилган эди. Утган даврда бу ерда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Марказ қадимий меъморий анъаналаримиз ва миллий безаклар уйғунлигида барпо этилди. Иншоотнинг тўрт томонида баландлиги 34 метрли пештоқлар, ўртада эса 65 метрли миллий услубдаги гүмбаз қад ростлаган. Иншоотнинг марказий қисмида Қуръони карим зали жойлашган. Бу ерда

мусулмон оламининг ноёб маънавий дурдонаси саналган қадимий Усмон Мусхафи намойиш этилади. Шунингдек, сомониylар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, теуурийлар ва бошқа сулолалар даврига оид муқаддас китоб нусхалари, уларнинг эски ўзбек тилидаги таржималари, шу билан бирга, жа-

ҳондаги энг нодир қўлёзма Қуръонлардан намуналар ҳам жой олади.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан чет элларда сақланаётган тарихимиз ва улуг алломаларимиз мероси билан боғлиқ қимматли манбалар ва ашёлар Ватанимизга қайтарилди. Марказ таркибиди

460 ўришли анжуманлар зали ҳам қуриб битказилган бўлиб, халқаро миқёсдаги учрашув ва илмий анжуманларни ўтказиш учун барча замонавий шарт-шароитлар яратилган.

Мажмуада “Ислондан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс”, “Иккинчи Ренессанс”, “Ўзбекистон XX асрда” ҳамда “Янги Ўзбекистон — янги Ренессанс” бўлимлари ташкил этилган. Бу ерда буюк алломаларимиз фаолияти ҳақида маълумотлар, хусусан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Баҳоддин Нақшбанд ва бошқа уламолар мероси ҳам кенг ёритилган.

Шунингдек, тарихимизда илму маърифат ва маънавият ҳомийси бўлган Бибиҳоним, Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отин каби мўътабар зотлар фаолияти ҳам алоҳида экспозиция сифатида намойиш этилган.

Давлатимиз раҳбари доимо марказнинг илмий-маърифий йўналишини самарали ташкил этиш, унинг мазмун-моҳиятини бойитиб бориш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Бу борада Ўзбекистон халқаро

исломшўнослик академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий номидаги илмий марказлар билан ҳамкорликни қучайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Ташриф чоғида Президентимиз залларда амалга оширилаётган пардозлаш ва жиҳозлаш ишларини кўздан кечирди, бўлимлар ва кўргазмаларнинг мазмун-моҳияти, қўлланилаётган интерфаол технологиялар билан аяиндан танишди.

Давлатимиз раҳбари экспонатларни маҳаллий ва хорижий ташриф буюрувчиларга ҳар томонлама қизиқарли ҳамда тушунарли қилиб тақдим этиш муҳимлигини таъкидлади. Шу мақсадда марказда фаолият юритадиган мутахассис ва гидларнинг сонини кўпайтириш, уларни махсус дастурлар асосида тайёрлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Марказ фаолиятини мазмунан янада бойитиш, экспозициялар орқали халқимиз маънавий ва илмий меросини тўлиқ намоён этиш бўйича қатор тавсиялар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, таълим ташкилотларида ўзбек тилини ўқитиш тизимини такомиллаштириш, унинг софлигини сақлаш ва мунтазам бойитиб бориш, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

### I. Асосий мақсадлар

1. Куйидагилар давлат тилини янада ривожлантиришнинг **асосий мақсадлари** этиб белгилансин:

а) мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эришиш;

б) таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

в) давлат тилининг софлигини сақлаш ва унинг луғат бойлигини мунтазам ошириб бориш;

г) давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, бу борада сунъий интеллект имкониятларидан унумли фойдаланиш;

д) давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

ж) мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва эллар вакиллари ҳамда хорижда ватандошларимизнинг давлат тилини ўрганиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

### II. Республикада давлат тили имкониятларидан самарали фойдаланишга эришиш

2. **2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2025-2026 йилларда амалга ошириш дастури** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. **2026 йил 1 январдан бошлаб** республика даражасидаги давлат органлари ва ҳўжалик бирлашмаларининг марказий аппаратларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳўкимликларида бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони доирасида раҳбарнинг **маънавият ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси** лавозими жорий этилсин.

4. Мактабча ва мактаб таълими вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йилдан бошлаб:**

а) таълим қардош тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим ташкилотлари учун ўзбек тилини ўргатиш бўйича дарсликларнинг даврийлиги асосида янги авлодини яратсин;

б) мактабча таълим ташкилотларида ўзбек тилини ўргатиш бўйича педагоглар учун ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқсин;

в) мактабча таълим ёшидаги болалар учун “Менинг илк изоҳли луғатчам” расмли луғат китобини яратсин;

г) болаларга ўзбек тилини ўргатиш бўйича замонавий анимацион видео ва аудио маҳсулотлар ишлаб чиқилишини ташкил этсин.

### 5. Фанлар академияси:

а) **2026 йил 1 июнга қадар** кўп жилдли **“Ўзбекистон миллий қомуси”**ни электрон шаклда тайёрлаш ва эълон қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) **2026 йил 1 декабрга қадар “Она тили. Қомус”** китобининг нашрга тайёрлиниши ва чоп этилишини таъминласин.

(Давоми 2-бетда).



### Анжуман

## АЁЛЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – ТИНЧЛИК ЙўЛИДАГИ СТРАТЕГИК ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси Женева шаҳрида Парламентлараро Иттифоқнинг 151-ассамблеяси доирасида ўтказилган аёл парламентарийлар форумида иштирок этди.

Форум “Бирдамлик ва илҳом: аёлларни ўз йўлида қўллаб-қувватлаш” мавзуга бағишланди. Тадбир доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган глобал аҳамиятга доир масалалар муҳокама қилинди.

Т. Норбоева ўз чиқишида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш му-

ҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Форум иштирокчилари Тошкент шаҳрида шу йил апрель ойида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилейи ассамблеяси юксак даражада ташкил қилинганини алоҳида қайд этиб, мазкур анжуман доирасида ўтказилган Парламент аёл аъзолари форумининг ўзига хос ўрни ва қабул қилинган Тошкент декларациясининг тарихий аҳамиятини эътироф этишди.



### Кенгаш йиғилиши

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING Тўққиз ойдаги фаолияти якунлари кўриб чиқилди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кўйи палатанинг жорий йил тўққиз ойидаги фаолияти якунлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2024 йил ноябрь ойидаги Олий Мажлис палаталарининг мажлисларидаги нутқлари парламент аъзоларига тақдим этилган жуда бой ва қимматли дастурий ҳужжат вазифасини ўтамоқда. Улардаги конструктив тақлифлар ва халқнинг ташаббуслар миллий парламентаризм тараққиётининг янги даврини бошлаб берди ва парла-

мент фаолиятига янгича ёндашувлар олиб кирди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган гоялар ҳаётга изчил татбиқ этилиб, янги шаклланган Қонунчилик палатасининг ишини ҳар томонлама самарали ташкил қилишнинг барча ҳуқуқий, ташкилий-амалий чора-тадбирлари кўрилди.



Бугун — Ўзбек тили байрами куни

## ТАРИХИМИЗ ВА ЎЗЛИГИМИЗ ИФОДАСИ

Мамлакатимиз бўйлаб байрам шукўи кезиб юрибди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси, қатъий сиёсий иродаси билан жорий этилган Ўзбек тили байрами куни халқимизнинг азалий орзу-ниятларини рўёбга чиқарди, миллий гурурини янада юксалтирди. Шунингдек, Янги Ўзбекистон маънавий-маданий қиёфасининг яққол ифодаси бўлди.

Бу байрамнинг жорий этилиши бутун жаҳонда — қатор мамлакатларда истиқомат қиладиган ўзбеклар орасида ҳам катта қиёсдан берди. Мазкур санада улар тарихи ва тақдири, қалби ва руҳининг инъикоси бўлган миллий лисонимиз эътирофини катта тантана билан нишонламоқда. Миллати ўзбек эканидан, дунёда ўз ўрнига эга халқнинг бир вакили бўлганидан фахр туймоқда.

Бинобарин, Президентимиз таъбири билан айтганда, миллий тил ҳар бир маданий, ҳаққ-маънавий дунёсини ўзида акс эттирадиган тенгсиз бойлиқдир. Қадимий тарихимизнинг энг оғир ва синовли давларида ҳам бизни ягона халқ сифатида бирлаштириб, азалий қадриятларимизни асрлар оша безавол сақлаб келаёт-

ган она тилимизни ҳар қанча ардоқласак, улуғласак арзийди. Махсус саҳифаимизда ўзбек тилининг жозибаси, луғат бойлиги, ифода имкониятлари нақадар кенг эканлиги, миллий гуруримиз тимсолига айлангани ҳақида юртдошларимиз, хорижий соҳа экспертлари, мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

6-саҳифага қаранг. ➡

Юртимиз бўйлаб...

## ФАРҒОНАГА КЕЛГАН ТУРНАЛАР...



Журналист ва адиблар билан сафардош бўлишнинг айрича латофати, завқи шавқи бор-да! Ҳазил-ҳузун, шоирона лутфлардан бошланган гурунлар мамлакатда, жаҳоннинг аллақайси бурчларида рўй бераётган ҳодисаларга уланиб, беадоқ баҳсу мунозараларга айланиб кетади. Айниқса, сафаринг Фарғонадек гўзалликда бекиёс диёрлар томонга бўлса, бир қувончингга ўни қўшилиб, кўнгиллар дарё, эҳтирослар уммон мисол кўпиради.



## АДАБИЁТ ЯШАСА, МИЛЛАТ ЯШАЙДИ

19-20 октябрь кунлари пойтахтимизда ва Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида элимизнинг суюкли фарзанди, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ижодиға бағишланган адабий фестивал ва унинг доирасида “Э воҳ” республика ўзбек тили ва адабиёти олимпиадаси бўлиб ўтди.

### Фестивал

Унда вазирликлар, элчилар, халқаро ташкилот ва дипломатик корпус вакиллари, Эркин Воҳидов ижод мактаби устозлари ва ўқувчилари (Фарғона), таниқли шоир ва адиблар, Эркин Воҳидов ижодиға бағишланган адабий фестивал доирасидаги республика ўзбек тили ва адабиёт олимпиадасининг финал босқичида иштирок этган маҳаллий ва чет эллик ўқитувчилар, ОАВ ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Бундан тўққиз йил муқаддам давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов тааваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори асосида Марғилон шаҳрида ижодкорлар боғи ҳамда Эркин Воҳидов номидаги мактаб-интернат очилган эди. Утган йиллар мобайлида ушбу масканда улуг шоирга муаззам ҳайкал ўрнатилди ва унинг мемориал музейи бунёд этилди.

— Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов номидаги мактаб-интернатга 2018/2019 ўқув йилида 5 — 8-синфларга 150 нафар истеъдодли

ўқувчини қабул қилган эдик, — дейди муассаса раҳбари Нигора Маннопова. — Ҳозирги пайтда уларнинг сони 200 нафардан ошиб кетди. Мактабда ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, ётоқхона, ошхона, кутубхона, фойзалар зали ва ўқув-лаборатория жиҳозлари мавжуд.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Эркин Воҳидов ижодиға бағишланган адабий фестивал қатнашчиларига йўллаган табриғида шундай деган эди: “Биз ушбу адабий фестивални ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиш тақлифини қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, буюк тарихға эга бўлган, ўз ўтмишидан гурурланиб, айна вақтда келажаққа юксак ишонч билан интилаётган бугунги ўғил-қизларимиз маънавий булоқларимиздан баҳраманд бўлиб, Янги Ўзбекистоннинг чинакам бунёдкорлари бўлиб вояға етишида мана шундай анжуманларнинг ўрни ва таъсири бекиёс, албатта”. Бу адабиёт байрамининг бардавом бўлишини истаб қоламан.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р И

ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД  
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

6. Давлат тилининг ахборот технологиялари ва коммуни-кацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш борасида:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2026 йил 1 майга қадар** ўзбек тилини сунъий интеллект ёрдамида қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган платформа ишлаб чиқиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳуж-жат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **2025 йил 1 декабрга қадар**:

i) янги қабул қилинаётган атамалар бўйича жамоатчи-лик муҳокамасида билдирилган таклиф, фикр ва тавсия-ларни қайд этиб борувчи;

ii) тасдиқланган янги сўз ва атамаларни ўзида акс эттирадиган электрон реестрни юритувчи;

iii) ўзбек тилида чоп этилган соҳавий, изоҳли ва имло лугатларини ўзида жамлаш ва фойдаланиш учун мўлжал-ланган **электрон платформани** яратиш бўйича илмий лойиҳага танлов эълон қилсин.

III. **Давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ҳамда илм-фан тили сифатида ну-фузини ошириш**

7. **Хар йили октябрь ойида:**

а) Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва иннова-циялар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси ўзбек тилининг дунё тиллари ўртасида тутган ўрни ва халқаро нуфузини оширишга қаратилган **халқаро илмий-амалий конфе-ренцияси**;

б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган **чет эллик талабалар ўртасида:**

i) **Ўзбек тили бўйича республика олимпиадасини**;

ii) **“Ўзбек тили – қалбим таржimoni”** кўрик-танло-вини юқори савияда ташкил этсин;

в) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси, Олий таълим, фан ва инно-вациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзбек тилини ривожлантиришга қаратилган энг яхши илмий, ижодий, амалий ишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **“Жонажон ўзбек тилим”** танловини;

г) Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари вазирлик ва идоралар билан биргаликда **умуммиллий диктант** лойиҳасини;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда ва-зирлик ва идоралар **21 октябрь** Ўзбек тили байрами кунига бағишланган маданий-маърифий, адабий тадбир-лар, янги китоблар тақдиротларини;

ж) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

i) умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўзбек тили мавзусида иншолар танловини;

ii) ўзбек тили фани ўқитувчилари ўртасида **“Йилнинг энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси”** республика танло-вини ўтказсин.

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Олий таъ-лим, фан ва инновациялар вазирлиги, “Ватандошлар” жа-

моат фонди билан биргаликда **хар йили** Алишер Навоий номидаги халқаро ўзбек тили олимпиадасини ўтказиб бор-син. Бунда олимпиада ғолибларини республика олий таъ-лим муассасаларининг “филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили ва адабиёти” таълим йўналишига умумий қабул квотасидан ташқари давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш йўлга қўйилсин.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг ҳудудий бўлинмаларида мамлакатимиздаги олий таълим ташкилотларида тахсил олаётган ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эллик талабаларни улар ўқиётган олий таълим ташкилотлари маблағлари ҳисо-бидан ўзбек тилига бепул ўқитиш курсларини ташкил этсин.

10. Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита:

а) **2026 йил давомида** ўз маблағлари ҳамда Вазир-лар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар вакил-лари учун ўзбек тилига ўқитиш курсларини кенгайтириш;

б) Ташки ишлар вазирлиги, “Ватандошлар” жамоат фон-ди ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга-ликда “Ватандошлар” жамоат фонди маблағлари ҳисоби-дан хорижий давлатлардаги ўзбек диаспора ташкиотла-ри ҳузурида ватандошларнинг фарзандларига ўзбек ти-лини ўргатишга ихтисослашган ўқув марказлари ташкил этишга қўмаклашиш, уларни зарур ўқув қўланмалари,

дарслиklar ва адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Ёшлар ишлари агентлиги **уч ой муддатда** ўзбек тилини бошқа миллат ва элатлар вакиллари, хориждаги ватандошларнинг фарзандларини, ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқароларини ўқитиш мақсадида “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси билан ҳамкорликда ало-ҳида сунъий интеллект ёрдамида ўзбек тилини ўргатиш модулини ишга туширсин. Бунда ўзбек модулини яратиш учун харажатлар Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан амалга оширилиши назарда тутилсин.

IV. **Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

12. Адлия вазирлиги **уч ой муддатда** қонунчилик ҳуж-жатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф-лар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирлиklar ва идоралар раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Респуб-ликаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбе-кистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зим-масига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2025 йил 20 октябрь

АЁЛЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ –  
ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ВАЗИФА



Анжуманда ҳар бир аёлнинг овози, орзу-си ва глобал ҳамжамиятнинг бирдамлик руҳи ҳақида фикр юритилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон хотин-қизларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш-га қаратилган комплекс ёнда-шувни илгари сурмоқда. Бу йўналишда парламентлараро ҳамкорликни кучайтириш, би-лим ва етакчилик имконият-ларини кенгайтириш, шу-нингдек, иқтидороз шароитда қолган аёлларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича та-шаббуслар билдирилди.

Сўзга чиққанлар хотин-қиз-ларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш — бу фақат мил-лий манфаат эмас, балки ин-сониятнинг умумий тараққиё-ти ва тинчликка эришиш йўли-даги стратегик вазифа экани-ни қайд этди.

Тадбир доирасида Танзила Норбоева Халқаро меҳнат та-шкilotининг Ўзбекистонга янги тайинланган катта координато-ри Юрий Штерк билан ҳам уч-рашув ўтказди.

Мулоқотда меҳнат муноса-батларини такомиллаштириш, аҳолини муносиб меҳнат билан таъминлаш, ижтимоий ҳимо-яни кучайтириш ва камбағаллик-ни қисқартириш бўйича Ўзбе-кистонда амалга оширилаёт-ган кенг қамровли ислохот-лар юксак баҳоланди.

Юрий Штерк Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлиги-да мазкур йўналишда Ўзбе-кистонда эришилган ютуқлар-ни алоҳида эътироф этди. Ай-ниқса, Президентнинг қасаба уюшмалари фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувида бел-гиланган вазифалар ХМТ учун ҳам долзарб эканини қайд этиб, уларни амалга ошириш-

да ҳамкорликка тайёр эканини билдирди.

Ўзбекистоннинг ХМТ билан ҳамкорлиги доирасида меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳасида халқаро стандарт ҳамда илгор тажрибалар миллий амалиёт-га изчил жорий қилинаётгани таъкидланди.

Учрашувда муносиб меҳнат стандартларини татбиқ этиш, қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлаш ва янги ташаббуслар муҳокама марка-зида бўлди. 2026 — 2030 йил-ларга мўлжалланган “Муносиб меҳнат дастури” лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ҳамда унинг Тошкентда ХМТ экспертлари иштирокида муҳокама қилини-ши меҳнат ҳуқуқлари ва ижти-моий барқарорликни таъмин-лашга қаратилган муҳим қадам сифатида эътироф этилди.

Олий Мажлис Сена-ти  
Ахборот хизмати.

КУН ТАРТИБИДА ОИЛАВИЙ  
ЗЎРАВОНЛИК МАСАЛАСИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташаббуси билан семинар ташкил этилди.

Семинар

Унда сенаторлар, халқаро нуфузли ташкилотлар раҳбарлари, вазирлик ва идоралар масъуллари, экспертлар ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари қатнашди.

Семинар доирасида “БМТ-аёллар” ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Таш-килотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Мар-казий Осиё учун минтақавий бўлинмаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкор-лик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан ишлаб чиқилаётган “Ўзбекистонда оила-вий зўравонликка қарши ҳуқуқий чора-лар билан курашиш” қўшма лойиҳаси тақдим этилди.

“БМТ-аёллар” тузилмасининг Марка-зий Осиёдаги алоқалар бўйича офиси раҳбари Жерен Гувен Гуреш хоним лойиҳанинг мазмун-моҳияти ва концеп-цияси билан батафсил таништирди.

Таъкидланганидек, лойиҳа соҳада

амалга оширилаётган сўнгги ҳуқуқий ислохотлар ва гендер тенглигини таъ-минлаш ҳамда гендер асосидаги зўра-вонликни бартараф қилиш бўйича да-вом этаётган саяй-харакатларни янада ривожлантиришга хизмат қиладди.

Лойиҳа оилавий зўравонликдан жабр кўрганларга ҳуқуқий чораларни кучайти-риш, шунингдек, адлия ва ҳуқуқни му-хофаза қилиш соҳаларида институцио-нал ҳамкорлик ҳамда ҳисобдорликни рабатлантиришни ҳам назарда тутади.

Семинар давомида таклиф қилинаёт-ган лойиҳага умумий ёндашувлар ва ун-дан қутилаётган натижалар, у татбиқ эти-ладиган ҳудудлар ҳамда ташкилий ма-салалар кўриб чиқилиб, мутасадди ва-зирлик ва идоралар вакилларининг фикрлари эшитилди.

Билдирилган таклиф ва фикр-му-лоҳазалардан келиб чиқиб, лойиҳани янада такомиллаштиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

МАРКАЗИЙ ОСИЁ  
ДАВЛАТЛАРИ МУДОФАА  
ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИ

20 октябрь куни Самарқанд шаҳрида Марка-зий Осиё давлатлари мудофаа вазирларининг биринчи учрашуви ўтказилди.

Тадбир аввалида иштирокчилар шаҳардаги Хотира майдонида бўлиб, Мотамсаро она хайкали пойига гул-лар қўйди.

Учрашувда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, То-жикистон ва Туркменистон мудофаа вазирлари ишти-рок этди.

Марказий Осиё давлатлари мудофаа вазирларининг биринчи учрашувида Ўзбекистон Республикаси мудо-фаа вазири, генерал-лейтенант Шухрат Холмухамедов раислик қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг учрашув қатнашчиларига мурожаатини Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. Махмудов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари ўз мурожаатида кейинги йил-ларда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида яқин қўшничилик ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатлар конструктив мулоқот ва стратегик шериклик даражаси-га кўтарилганини таъкидлаб, бу алоқалар ҳарбий мудо-фаа соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини қайд этган. Айниқса, бугун дунёда рўй бераётган глобал ўзга-ришлар, халқаро ва минтақавий муаммолар, хавфсиз-лик ва барқарорликка таҳдидлар кучайиб бораётган бир пайтда мудофаа вазирликларининг ўзаро ҳамкорлиги жуда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, Президентимиз иқлим ўзгариши муам-молари, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, транспорт логистикаси борасида юзага келаётган му-раккаб халқаро масалаларга эътибор қаратиб, бу Мар-казий Осиё минтақаси учун долзарб эканлигини қайд этган. Мудофаа вазирлари учрашуви шу каби масала-лар ечимида ҳам очик мулоқотни йўлга қўйиш ва бир-галикда иш олиб боришда муҳим аҳамиятга эга бўли-ши таъкидланган.

Учрашувда Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик-ни таъминлаш, мамлакатлараро ҳарбий ва ҳарбий тех-ник ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқаро тер-роризмга қарши ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтариш, манфаатли алоқаларни янада ри-вожлантириш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Шу жиҳатдан мазкур учрашув натижалари кўп томонлама ҳарбий ҳамкорликни ривожлантириш билан бирга, замонавий шарт-шароитларда қўшинларнинг ўзаро тажриба алмашинувида ҳам муҳим аҳамият касб этиши таъий.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон сўнгги саккиз йилда халқаро ҳарбий ҳамкорлик йўналишида катта ютуқлар-ни қўлга киритиб, қўллаб-даватлар билан ҳарбий ва ҳарбий-техник йўналишларда қатор келишувлар, замо-навий билим ва тажриба алмашиш, ҳарбий соҳа бўйи-ча шерикликни тубдан кенгайтириш, ҳамкорликда ҳар-бий ўқувларни ўтказиш, минтақавий хавфсизликни таъ-минлаш борасида қатор келишувларга эришди.

Учрашув якунида Марказий Осиё давлатлари мудофаа вазирларининг биринчи учрашуви баёни имзоланди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси мудо-фаа вазири, генерал-лейтенант Ш. Холмухамедов Қозо-ғистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғиз Респуб-ликалари мудофаа вазирлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида ҳарбий ҳамкорликни кенгайти-риш, қўшма тайёргарлик тизимини такомиллаштириш, тажриба ва амалий билим алмашувини йўлга қўйиш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик соҳасидаги қўшма ташаббусларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар мамлакатлараро ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро терро-ризмга қарши курашишда ўзаро ҳамжиҳатликни ку-чайтириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда давлатлар ўртасида ишончли ва барқарор ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлаш масалаларида келишувларга эришилди.

Учрашув қатнашчилари учун Самарқанд шаҳридаги тарихий-маданий ёдгорлиklar, диққатга сазовор жой-лар бўйлаб саёҳат уюштирилди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,  
Ўза мухбири.

АДАБИЁТ ЯШАСА, МИЛЛАТ ЯШАЙДИ



Бугун мактаб таълими тизимида она тили ва ада-биёт фанларига бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Таълим мазмуни ангиланмоқда, фанлар ке-симиди миллий қадриятларимиз ва тил маданиятини сингдириш бўйи-ча тизимли ишлар амалга оширил-моқда. Эркин Воҳидовнинг ижоди-га бағишланган адабий фестиваль ана шу эзгу жараённинг давоми сифатида иқтидорли ўқувчиларни кашф этиш, уларни илмий ва ижо-дий йўналишда қўллаб-қувватлаш-га хизмат қиладди.

Бу йил республика ўзбек тили ва адабиёти олимпиадаси илк бор рақамли платформада ўтказилаёт-гани ҳам муҳим қадам бўлди. Бу орқали юртимизнинг барча ҳудуд-ларидан, ҳатто хорижда таҳсил олаётган ёшлар ҳам онлайн тарз-да иштирок этиш имкониятига эга бўлишди.

Фестиваль доирасида сўзга чиқ-қан Олий таълим, фан ва иннова-циялар вазири Кўнғиротбой Шарип-ов шундай деди:

— Бу олимпиада нафақат буюк шоир ва давлат арбоби Эркин

Воҳидов хотирасига ҳурмат, балки тил, адабиёт ва маънавиятга бўлган муҳаббатимиз ифодасидир. “Э воҳ” сўзи — ҳайрат, илҳом ва юксак эҳтиром рамзи. Шу ном ос-тида ўтказилаётган бу тадбир юр-тимиздаги ҳар бир ёшнинг қалби-да она тилига садоқат ва ифтихор туйғусини янада кучайтиришга хизмат қиладди.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг ўзбек тилининг нуфу-зини кўтариш, уни жаҳон миқёси-да танитиш борасидаги ташаббу-слари доирасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. “Э воҳ” рес-публика ўзбек тили ва адабиёти олимпиадаси ана шу эзгу мақсад-ларнинг амалдаги давоми бўлиб, иқтидорли ёшларни аниқлаш, улар-нинг бадийи ва илмий салоҳияти-ни ривожлантириш, замонавий фикрлайдиган мутахассислар ети-шиб чиқишига хизмат қиладди.

Хар бир иштирокчи бу олимпи-адада фақат ғолиблик учун эмас, балки она тилининг қадрини яна-да юксалтириш, унинг жозибаси ва гўзаллигини англаш учун қатнаш-моқда. Бу — ҳар бир юртодошимиз учун шарафли масъулият.

— Буюк шоир Эркин Воҳидов ижоди ҳар биримиз учун илҳом ва ифтихор манбаидир, — деди Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мак-лиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича қа-вакли Сурайё Раҳмонова. — Унинг қаламига мансуб ҳар бир сатр Ватанга муҳаббат, она тилига са-доқат, инсон қалбидаги эзгуликка ишонч билан йўғрилган. “Э воҳ” сўзи эса ҳайрат ва таассурот, юракдаги туйғуларнинг жўшқин ифодасидир. Шу сабабли бу олим-пиада нафақат беллашув, балки



юрак ва маънавият байрами, эзгу-лик ва билим уйғонишининг рам-зидир.

Бизнинг мақсадимиз — ҳар бир бола ўз она тилида эркин фикр билдирадиган, сўз қудрати билан янгилик ярата оладиган, дунёга юртимиз маданиятини танитадиган авлод бўлиб вояга етишидир. Шу маънода, “Э воҳ” олимпиадаси би-лим, маънавият ва инсонпарвар-ликнинг ёрқин намунасига айлан-моқда.

Фестивалда сўзга чиққан Тош-кент вилояти ҳокими ўринбосари Ҳаким Божожонов, Халқаро Нордик университети ректори Шерзод Мустафоқулов, “Э воҳ” республи-ка ўзбек тили ва адабиёти олим-пиадаси ҳакамлар ҳайъати раиси Олимжон Давлатов ва бошқалар она тилимиз миллат қалби, унинг орияти ва келажаги экани, уни ас-

раш ва севиш ҳар бир ватандоши-мизнинг энг олий бурчи эканлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Олимпиада якунига кўра, бирин-чи ўрин — олтин медалга Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Sodiq school” мактаби устози Ман-сур Сиддиқов муносиб кўрилди.

Иккинчи ўрин — қумуш медал-ли Сирдарё вилоятининг Бобўев ту-манидаги 13-мактаб ўқитувчиси Дилором Бердимуродова, Фар-ғона шаҳридаги 41-мактаб ўқитув-чиси Муаттар Меҳмонлиевага, Хо-разм вилоятининг Тўпроққалъа ту-манидаги 6-мактаб ўқитувчиси Му-наввара Нурмановага насиб этди.

Учинчи ўринни эса Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари академик-ликейи ўқитувчиси Саодат Ашуро-ва, Қорақалпоғистон Республика-сининг Амударё туманидаги икти-

сослаштирилган мактаб ўқитувчи-си Моҳира Собирова, Тошкент ви-лоятининг Паркент туманидаги 40-мактаб ўқитувчиси Шаҳло Ҳоми-дова, Бухоро шаҳридаги ихтисос-лаштирилган мактаб ўқитувчиси Феруза Эргашева, Фарғона ви-лоятининг Ўзбекистон туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси Шоирахон Шокирова қўлга киритди.

Финал босқичигача етиб келган 79 нафар ўқитувчи, устоз-мураб-бий фестиваль якунида махсус сертификатлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Фестиваль якунида таниқли хонан-далар ва санъат усталари ижроси-да куй-қўшиқлар янгради.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ,  
Акрам ҲАМРОҚУЛОВ  
(«Халқ сўзи»).

Ақмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

Пойтахтимиздаги «Янги авлод» махсус саноат зонаси ҳудудида 288 млн. доллар инвестиция ҳисобига мультимодал логистика терминали барпо этилади.

Сенат қўмитасида



Ёш олимлар ва инноваторлар билан очиқ мулоқот

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Олий аттестация комиссиясида ёш олимлар ва инноваторлар иштирокида учрашув ташкил этилди.

Унда сенаторлар, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Инновацион ривожланиш агентлиги, Фанлар академияси, Олий аттестация комиссияси раҳбарлари ва Ёшлар парламенти аъзолари, илмий изланувчи ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда олий маалакали илмий-педагог кадрларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, соҳада кузатилаётган тизимли муаммолар ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси жараёнини рақамлаштириш борасидаги истиқболдаги ишлар муҳокама қилинди.

Таъкидландики, илмий фаолият билан шуғулланаётган ёшларга янада қулай шарт-шароит яратиш мақса-

дида аттестация жараёнларини рақамлаштириш, аризаларни онлайн қабул қилиш ва баҳолаш механизмларини соддалаштириш бўйича янги имкониятлар жорий этилмоқда.

Учрашувда Ёшлар парламенти аъзолари ёш илмий-педагог кадрларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш ва қонунчиликка тегишли ўзгаришлар кiritиш юзасидан ўз тақлифларини билдирди.

Яқунда тақлиф ва мулоҳазалар асосида ёшларни илм-фанга жалб этиш, илмий изланувчилар сонини ошириш ҳамда соҳага инновацион ёндашувларни таъбиқ қилишга қаратилган қўмита тавсиялари ишлаб чиқилди.

Учрашув

Аграр соҳада ўзаро тажриба алмашилади

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Анвар Тўйчиев Германия Федератив Республикаси Бундестаги Қишлоқ ҳўжалиги, озик-овқат ва ватан масалалари бўйича қўмитаси раиси Херманн Фэрбер бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, уни янги мазмун билан бойитиш, дўстлик гуруҳларини ишини фаоллаштириш ва кенг қўламдаги қўшма тадбирларни ташкил этиш ҳамда қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашиш масалалари бўйича сўз юритилди.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик стратегик шериклик даражасига қўтарилагани таъкидланди. Мамлакатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси давлатлараро муносабатларнинг янада ривожланиши ва мустақамлланишида муҳим аҳамият касб этаётгани айтилди.

Икки мамлакатнинг барча йўналишдаги ҳамкорлиги, хусусан, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларидаги иқтисодий ҳамда инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш, ҳудудлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўз навбатида, Херманн Фэрбер Ўзбекистоннинг қисқа вақт ичида аграр соҳадаги натижаларини юқори баҳолаб, Германия компаниялари томорқа ҳўжалиқларини механизациялаш, уруғчилик ва ветеринария тизимини такомиллаштириш, шунингдек, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш бўйича ҳамкорликка тайёр эканини билдирди.

Ўрганиш

Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўнгилдагидекми?

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қўтбиддин Бурҳонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қашқадарё вилоятида хизмат сафарига бўлиб, “Қутқарув хизмати ва қўтқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонун ижроси юзасидан ишларни ўрганди.

Дастлаб ишчи гуруҳ аъзолари “Қарши нефть база” МЧЖда қўтқарув хизматларининг шайлиги ҳолатини кўздан кечирди. Объект ҳудудида шартли ёнган ташкил этилган ҳолда “Йигин” сигналли асосида амалий ўқув машқи ўтказилди. Унда ёнғинни бартараф қилиш режаси, навбатчи диспетчернинг ҳаракатлари, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кучлари етиб келгунга қадар штаб ишини ташкил этиш, ҳодимларни эвакуация қилиш ишлари ўрганилди. Машғулот давомида аниқланган камчиликлар юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ аъзолари “Uzbekistan GTL” МЧЖ ҳамда “Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖда бўлиб, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда саноят хавфсизлигини таъминлаш борасида қўриллаётган чора-тадбирлар билан яқиндан танишди.

“Uzbekistan GTL” МЧЖда ишчи гуруҳ аъзолари корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнлари, хавфсизлик тизими ва жорий этилган назорат механизмларини кўздан кечирди.

Ишчи гуруҳ “Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖда мажмуанинг ишлаб чиқариш салоҳияти, хавфсизлик инфра-тузилмаси, рақамлаштириш жараёнлари ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари билан танишди.

Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманидаги 3 та муҳим объектнинг фавқулодда вазиятларга тайёргарлик ҳолати ҳам ишчи гуруҳ эътиборидан четда қолмади. Хусусан, Мираки шаҳарчасидаги “Мираки” туризм масканида барпо этилган Мираки дор йўлининг техник мустаҳкамлиги ва аҳоли хавфсизлиги юзасидан ўрганиш олиб борилди.

Ишчи гуруҳ “Хисорак” сув омбори ва “Хисорак” кичик ГЭС иншоотларининг фуқаро муҳофазаси тузилмалари, техник имкониятлари ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш тизими билан ҳам танишди.

Ўрганишлар якунлари бўйича Қашқадарё вилоятида қонун ижросини таъминлаш, хавфсизлик тизимини янада мустаҳкамлаш ва қўтқарув хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича аниқ тавсия ва тақлифлар берилди.

«Халқ сўзи».



Хусусан, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар фаоллигини ошириш, Давлат бюджетни ижросини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш, парламент назорати натижаларининг таъсирчанлигини ошириш, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур ўрганиш ҳамда қонун лойиҳалари муҳокамасига кенг жамоатчиликни жалб этиш бўйича устувор йўналишларни амалга оширишга қаратилган ишлар Қонунчилик палатаси фаолияти самарадорлигини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан ҳуқуқий тизимни жадал ривожлантириш, қонун ижодкорлиги жараёнининг сифати билан чамбарчас боғлиқ. Шунга қўра, ўтган даврда парламентнинг энг асосий фаолияти ҳисобланган қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди.

Жамиятимиздаги долзарб муаммоларга ҳуқуқий ечим топши, халқчил қонунлар қабул қилиш ва қонун лойиҳаларининг сифатини ошириш борасида ишлар изчил олиб борилди. Жумладан, келгуси беш йилда янги қонунлар устида ишланиш белгилаб олиш мақсадида 2025 — 2029 йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги дастури қабул қилинди.

Фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш, жамоатчиликнинг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида қўмиталар ҳузурида экспертлар, мутахассислар ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат Жамоатчилик кенгашлари тузилди. Ушбу кенгашлар фаолияти самарали йўлга қўйилгани қўмиталар ишига янгича мазмун-моҳият олиб кирди.

Қонунчилик палатасига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишга қўмаклашиш мақсадида унинг ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича, Қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш бўйича, Иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича парламент комиссиялари ташкил этилди. Шунингдек, Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ самарали фаолият олиб борди.

Қўйи палата фаолиятида сиёсий хилма-хиллик ва кўппартиявийлик, масалаларни эркин муҳокама қилиш ҳамда жамоа бўлиб ҳал этиш каби тамойиллар тобора мустаҳкам ўрин тутиб, сиёсий партиялар фракциялари ўртасида қизгин гоёвий курашлар, конструктив баҳс-мунозара ва ўзаро рақобат муҳити шаклланди. Ушбу жараёнда парламентдаги кўпчиликни ташкил этувчи “Тараққиёт блоки” ҳамда муҳолифат фракциясининг тузилгани партиялар дастурий мақсад ҳамда вазифаларини самарали амалга ошириш, ислохотлар жадал суръатларда кечайтган шароитда жамиятни жиқсаштириш ҳамда ҳукуматнинг барқарор ишлашини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Қўрилган изчил чора-тадбирлар натижасида Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, парламент назоратини амалга ошириш, депутатларнинг сайлов округларидаги ишларини янгича шаклда, самарали ташкил этиш, мурожаатлар билан ишлаш, халқаро парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш каби йўналишларидаги ишлари янги босқичга қўтарилди.

Қонун ижодкорлиги жараёнининг сифати ва самарадорлигини янада ошириш ҳамда кенг жамоатчиликнинг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида Қонунчилик палатаси қўмиталар

ри ва илмий-тадқиқот муассасалари, таҳлил марказлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Хисобот даврида Қонунчилик палатаси томонидан жами 98 та қонун (131 та қонун лойиҳасини ўз ичига олган) ҳамда маъмурий-худудий тузилишга оид 2 та қарор қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Бутун бир соҳани тартибга солувчи ҳажм жиҳатдан катта бўлган қатор яхлит қонунлар кўриб чиқилиб, қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси, “Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатда олиш ва кузатиш тўғрисида”ги, “Қишлоқ ҳўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги, “Давлат мудофаа буюртмаси тўғрисида”ги, “Массулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси томонидан халқимиз фаровонлигини оширишга, аҳолига қўшимча енгилликлар яратишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Хусусан, “Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиш мўносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан пенсия ёшига тўлган фуқароларга уларнинг мурожаатисиз автоматик тарзда (“проектив”) ёшга доир пенсия тайинланганидан бўлди.

“Аҳолига суд муҳокамаларида масофадан иштирок этиш учун янада қулай шароитлар яратилиши мўносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан аҳолига видео-конференцалока режимида ўтказиладиган суд мажлисларида мобилъ видеоконференцалока тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш имконияти яратилди.

“Аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазаси кучайитрилиши мўносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун билан эса сайилгоҳ, хиёбон, бог ва дархонзорлар ҳамда улар жўйлашган ерларни хусусийлаштиришни тақиқлаш, шунингдек, бу ҳудудларда бино ва иншоотлар қурилишини чеклаш орқали ушбу масканлар муҳофазасини кучайтириш чоралари белгиланди.

Йигилишда қайд этилганидек, Қонунчилик палатаси фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири — ижро ҳўкимияти фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга масъуллиқ билан ёндашиш моқда. Бунда парламентга берилган ваколатлардан самарали фойдаланиш моқда.

Парламент назоратининг энг муҳим йўналишларидан бири мамлакатнинг бош молвий ҳўжжати — Давлат бюджетининг самарали бажарилишини таъминлаш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан таъсирчан назорат ўрнатилмоқда.

Парламент ва ҳўкумат ўртасидаги ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқиш, бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида вазирликлар, қўмиталар, агентликлар, инспекциялар ва бошқа ташкилотлар Қонунчилик палатасининг қўмиталарига бириктирилди. Бунда вазирликлар ва идораларда раҳбар ўринбосарлари қўйи палата

Сиёсий партиялар фракцияларида

МУҲОКАМАДА – ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йигилишлари бўлиб ўтди. Уларда қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрафлича кўриб чиқилди.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йигилишида дастлаб Президентимиз раислигида маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йигилишида белгилаб берилган вазифаларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Маҳаллаларда тадбиркорлик лойиҳаларини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар, жумладан, шу пайтгача 7 000 та маҳалла мева-сабзавот, гулчилик, асаларичилик, тикувчилик, мебел-созлик, савдо ва сервис каби 15 та йўналишга ихтисослаштирилгани ва 3 326 та маҳалладаги 50 фоиз хонадон бу тизим билан қамраб олинганига уруғ берилди.

Йигилишда давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятида янги халқаро аэропорт лойиҳаси тақдими ҳамда мазкур мажмуа қурилиш бошланишига бағишланган маросимдаги иштироки хусусида ҳам фикр алмашилди.

Шундан сўнг “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

дартлари асосида миқозларни молиялаштириш учун савдо фаолиятини амалга оширишга ҳамда юридик шахсларни ташкил этиш ва юридик шахсларнинг устав фондларидаги улушларни ёки акцияларни олишга рухсат берилиши назарда тутилган.

Мунозаралар давомида депутат Нодир Тилаволдиев қонун лойиҳасининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари томонидан берилган тақлифлар эътиборга олинганини қайд этди. Шу билан бирга, ундаги айрим нормалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини билдирди.

Қонун ташаббускорлари ушбу масалалар юзасидан атрафлича тушунтиришлар бериб, мазкур ҳужжат мамлакатимизда исломий банк хизматларига босқичма-босқич ўтиш, “яширин иқтисодиёт” улушини камайтириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этишга хизмат қилишини таъкидлади.

**“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** йигилишида “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасида нодавлат суд экспертларининг ҳуқуқий мақоми белгиланмоқда. Илмий иш билан шуғулланувчи муассасаларнинг ўз йўналиши бўйича суд-экспертларининг давомида депутат Нодир Тилаволдиев қонун лойиҳасининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари томонидан берилган тақлифлар эътиборга олинганини қайд этди. Шу билан бирга, ундаги айрим нормалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини билдирди.

Қонун ташаббускорлари ушбу масалалар юзасидан атрафлича тушунтиришлар бериб, мазкур ҳужжат мамлакатимизда исломий банк хизматларига босқичма-босқич ўтиш, “яширин иқтисодиёт” улушини камайтириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этишга хизмат қилишини таъкидлади.

пертлик фаолиятини амалга оширишга рухсат бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказишда илгор хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида суд экспертизасини тайинловчи органга ўз ташаббуси билан ёки давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбарининг илтимосномасига асосан суд экспертизаси соҳасидаги хорижий давлат мутахассисларини суд эксперти сифатида жалб этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Қизгин савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йигилишида экологик тоза ҳудудларнинг ҳуқуқий мақомини белгиллаш, пластик маҳсулотларни олиб кириш ва сотишни тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ҳужжат экологик тизимларни, табиат объектларини асраш, сақлаб қолиш ва ҳимоясини кучайтириш, табиий объект ва мажмуалар деградациясининг олдини олишга қаратилган.

Белгиланаётган нормалар атрафлича кўриб чиқилиб, қизгин муҳокама қилинди. Жумладан, фракция аъзоси Шарофиддин Назаров қонун лойиҳасининг техник жиҳат-



Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ҳудудларда олиб борилган ўрганишлар жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни, одамларни безовта қилиб келаётган тизимли муаммоларни ҳар томонлама таҳлилдан ўтказиш ҳамда парламент даражасига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўтган даврда палатанинг халқаро ҳамкорлик алоқалари “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга мос равишда сифат жиҳатдан янги босқичга қўтарилди. Президентимизнинг нутқлари Қонунчилик палатасининг халқаро алоқаларини ривожлантириш учун асос бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг дунёдаги энг нуфузли халқаро парламент ташкилотлари бўлган Парламентлараро Иттифок (ПИ), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси (ЕХТҲ ПА), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси (МДҲ ПА) билан кўп қиррали ҳамкорлик алоқалари изчил давом эттирилди.

Кейинги пайтларда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ошиб, ижобий иймижи шаклланмоқда. Натижада мамлакатимиз глобал кун тартибиди шакллантириш ҳамда муҳим масалаларни ҳал этишда ўз ўрнига эга бўлиб, қўллаб нуфузли халқаро анжуманларга ҳам мезбонлик қилиб келмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеяси юқори савияда ташкил этилди. Илк марта Марказий Осиё минтақасида бўлиб ўтган ушбу ассамблея ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур нуфузли тадбирдаги иштироки ва тарихий нутқи парламентлар ишини ривожлантириш, ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш истиқболларини очди.

Янги таркибда шаклланган Қонунчилик палатасида хорижий давлатлар парламентлари билан Олий Мажлиснинг 56 та парламентлараро гуруҳи ташкил этилди.

Халқ билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини унутмаслик, халқнинг дарди билан яшаш депутатлар корпуси фаолиятининг асосий мезонига айланди. Ўтган даврда мурожаатлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаштириш, янгича тартиб-таомилларни жорий этиш чоралари кўрилди.

Бу ўзгаришлар олис ҳудудларда яшовчи фуқаролар, айниқса, ижтимоий ҳўмомага муҳтож шахсларга видеоконференцалока тизими орқали депутат билан мулоқотини йўлга қўйишда қўшимча қулайлик яратиб, уларнинг вақт ва маблағини иқтисод қилишга ҳамда муаммоларига ечим топишга имкон яратди.

Йигилишда ушбу масала Кенгаш аъзолари томонидан маъқулланди ва тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ларига тўхталиб, асосий тушунчалар тўлиқ очиб берилмагани юзасидан эътирозларини айтди.

Депутатнинг фикрича, лойиҳа, аввало, унинг ижролари учун тушунарли бўлиши лозим. Агар лойиҳа киритилган тартибда қабул қилинса, эртага амалиётда катта бўшлиқлар, муҳокамали масалалар юзга келаверади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасига қўллаб тақлифларни билдирди. Депутатлар табиатни муҳофаза қилиш, моддий маданий меърос объектларини асраб-авайлаш муҳимлигини ҳисобга олиб, уни маъқуллашди.


**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йигилишида “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Суд-экспертлик фаолиятининг янада ишончилигини ошириш мақсадида қонун лойиҳасида аккредитация ва валидация институтларини жорий этиш белгиланмоқда.

Йигилишда фракция аъзоси Наврўз Юсупов лойиҳанинг аҳамиятига эътибор қаратиб, суд-экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш соҳада ҳолислиқ, шаффофлик ва ишончини мустаҳкамлашга, экспертиза ҳулосаларининг ишончилигини янада оширишга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар билдириб, уни қўллаб-қувватлашди.

«Халқ сўзи».



1

Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Фарғонанинг икки забардаст ижодкори — Охунжон Ҳакимов ва Йўлдош Сулаймон хотирасига бағишлаб ўтказиладиган адабий конференцияда иштирок этishi учун беш касбдош йўлга чиқдик. Аломат лаҳзалар аэропортида, Фарғонанинг яна бир эътиборли фарзанди, таниқли тележурналист Мухаммадjon Обидов билан юзма-юз келган дамлардаёқ бошланди кетди. Мезбон билан ҳали салом-алиқ охирига етиб-етмай, “ХХI аср” газетаси бош муҳаррири, шоир Норқобил Жалил шевр тўқиб юборди:

Кўрай десанг, эртакда йўқ афсонани,  
Афсоналар ҳавас қилган қошонани,  
Тоғлар ошиб, дунё кезиб бўлманг сарсон,  
Фарғонани кўринг, дустилар, Фарғонани.

Самарқандлик шоир ва драматург Фармон Тошев ҳам ўқлганг милликдай шай турган экан, кетди давом эттириб:

Хар далаю ҳар дарёю ҳар шонада,  
Хар маҳалла, ҳар кўчаю ҳар хонада.  
Меҳнат завқи, ижод завқи, илҳом завқи,  
Яшаш завқи чаппар урар Фарғонада!

— Офаринлар! — ҳайқириб юборди мезбон. — Ҳозир, ҳақиқатан ҳам, Фарғонада бекорчи одамни кундузлари чирок ёқиб ҳам тополмайсиз. Ҳамма банд, ҳамманинг қалби, шойрона айтганда, яратувчилик ишкида ёнмоқда. Кетдик, тадбир бошлангачи мен сизларга юртдошларимиз қандай меҳнат қилаётганини кўрсатаман. Шеърятдан бошланган суҳбат шу тарика ўз-ўзидан далага кўчди.

— Ака, Фарғонада пахтакорларнинг қайфияти қандай? — сўрайди “Ishonch” газетаси бош муҳаррири, сенатор Хусан Эрматов.

— Қандай эмас, қандайд, денг! — гурур билан жавобга қосирланди Мухаммадjon Обидов. — Биласиз, ҳамма жойда чигит одадта бир қаторлар эклади. Шунда ҳар гектар майдонда 90 — 100 минг тул кўчат бўлади. Фарғонада эса кўшқаторлаб экилди. Бу ҳар бир эгатада 200 — 250 минг тупдан кўчат бўлди, дегани. Кўчатнинг икки баробар кўп экилиши ҳисобига ҳосилдорлик ҳам икки баробар кўпайиб, гектаридан 60 центнердан ошиб кетаяпти.

— Кўшқаторлаб экиш бир пайтлар ўзини оқламаган, — деди суҳбатни диққат билан эшитиб келаётган “Hurriyat” газетаси бош муҳаррири Абдурасул Жумакул. — Мен яхши эслайман, болалигимизда ҳар туп гўзада 200 тагача кўсак санаш мумкин эди. 4-5 марталаб терардик. Шундан кейин ҳам анча-мунча кўсак қолиб кетарди. Кўсак тергич машиналар йиғиб оларди қолганини. Ўша навлар йўқ бўлиб кетди. Афсус. Бир қаранг ҳозирги пахталар. Бир пайтлари пайкал оранасанг, кўмиб юборадиган гўзалар энди йўқ. Абдурасулнинг болалиги ҳам Сурхон пахта пайкаллари орасида қолиб кетган-да, билди...

— Гапингизда ҳақиқат бор, — дейди мезбонимиз. — Аммо кўшқаторлаб экилган чигит, гарчанд сиз айтгандек, одамни кўмадиган даражада дароз бўлмаса ҳам, ҳосили кўп. Шу жойда сизларга бир гални айтмасам бўлмайди. Президентимиз 2024 йили вилоятимизга қилган таширфида “Келгуси йил Фарғонада хитой услубида пахта етиштиришни жорий қиламиз”, дедилар. Давлат раҳбарининг топшириғи эда этилди. Вилоятнинг барча туманларига 40 — 50 фоиз пахта майдонига Хитойдан келтирилган уруғ экилди. Кўшқатор услуби жорий қилинди. Плёнка остига томчилатиб суғориш йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, пахтачиликка ҳам инновация, илм кириб келди. Хитой технологияси асосида кўшқаторлаб экилган пахта бугун ўз ҳосилини берапти. Биринчи теримдаёқ гектаридан 55 центнердан ҳосил олинапти. Ҳозир истаган фермернинг пахтазорини кўринг, оппоқ денгиз бўлиб ётибди дала.

— Парварishi-чи, қандай экан? Сув ичиши, дори-дармонга эҳтиёжи? — қизикди “Хахон адабиёти” журнали бош муҳаррири, олим ва адиб Аҳмадjon Мелибоев.

— Икки марта дефляция қилинди. Ўғит-дори сал қўтқор берилди. Тола зўр. Фақат чигитдан ёғ чиқиси миқдори камроқ. Бугун мамлакатимизга тола керак, жуда кўп керак. Негаки, кейинги 7-8 йилда ўнлаб йирик-йирик тўқимачилик фабрикалари ишга туширилди. Ҳатто, пахта хомаёси етмаётгани учун толаи хориждан сотиб олишга тўғри келган вақтлар ҳам бўляпти. Хитой усулида парвариш қилинган пахтанинг толаси аввалгиларидан бир қанча устун. Шу кунларда пахта заводлари бу йилги пахтани қайта ишлашни бошлаб юборди.

Обидов шу ерда бир нафас тўхтаб, атрофдагиларга кўз ташлаб олди.

— Қани, ким билди, бир тонна пахтадан қанча тола чиқади? — ўртага савол ташлади кейин.

— 30 — 35 фоизгача, — шу дамнинг ўзидаёқ жавоб қайтарди Абдурасул Жумакул.

— Э, яшанг! Бизнинг пахтадан чиққан тола 45 фоиз! 45 қайқдаю 35 қайқда? Ҳам ер, ҳам меҳнат, ҳам сув тежалаётгани бу ҳисобга кирмайди. Даромадни айтмайсизми? Миллион-миллион! Умуман, пахтачиликда кескин бурилиш бошланди. Президентимиз ташаббусларининг биттагинасидан келаётган хушхабар бу. Бундай хушхабарларнинг сон-саногии йўқ.

— Энди сизларга Юртбошимиз меҳри билан яратилган яна бир мўъжизани кўрсатмасам бўлмайди, — Мухаммадjon ака шу сўзларни айтган, “Экошаҳар”га ҳайданг”, дея ҳайдовчига мурожаат қилди.

# ФАРҒОНАГА КЕЛГАН ТУРНАЛАР...

уй-жойларнинг бир нечаси фойдаланишга топширилди. Давлатимиз раҳбари ўтган йил Фарғона вилоятига таширфи чоғида марғилонлик нуронийлар, жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, шаҳарда янги уй-жой массивини куриш — барак, маънан эскирган уйлар ўрнида арзон ва сифатли уйлар барпо этиш бора-сида топшириқлар берган эдилар.

Худо хоҳласа, 2025 йилнинг ўзида шаҳарда 46 та кўп қаватли уй қуриб битказилади. Шулардан 35 таси “Янги Ўзбекистон” массивида қад ростлаётган бўлса, қолган 11 таси “Ипакчи” МФИда қурилади. “Ипакчи”даги уйларнинг кўпи ўтган аср ўрталарида қурилган. Очигини айтсак, уларда қундалик ҳаёт учун зарур оддий шарт-шароитлар ҳам деярли йўқ. Икки-уч оила, 10 — 12 жон каталакда уйларда бир амаллаб кун кўриб келарди. Улар бугун замонавий, ёруғ ва шинам хоналарга эга кўп қаватли уйларга кўчиб ўтдилар. Уй-жойлари бўзилган барча оилаларга кўп қаватли уйлардан компенсация тўловсиз хонадонлар берилди. Энг муҳими, янги жойларда яшаш учун барча шароит мавжуд. Қулай инфратузилма, мактаб, болалар майдончаси, савдо мажмуалари. Қувончдан юртдошларимизнинг кўкси тоғ, боши осмонда.

— Қўқонда, Қувада, Қувасой ёки Бўвайидада амалга оширилаётган юмушлар ҳам унча-мунча давлатларда йўқ, — Обидовнинг сўзини давом эттириб кетди Худойкулов. — Фақат Қуванинг ўзига давлат раҳбарининг қарори билан 70 миллиард сўм маблағ ажратилган. Туман марказидаги Аҳмад Яссавий номи ва Қайқубод кўчалари туну кун ишлайдиган кўнгилочар манзилларга айлантирилган. Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи реконструкция қилинмоқда. “Қаркидон” сув омбори ҳудудида бир неча туристик объектлар бунёд этиляпти.

— Яхши йўлбошчи элини ўйлайди, — дейди Аҳмадjon Мелибоев. — Эл ғами, деб қайғурди, элига роҳат келтиради — йўл қуради, уй қуради, мамлакатни обод қилади. Дунё тамаддунида ҳар томонлама чуқур излар қолдирган улук саркарда Амир Темуру ҳазратларининг табарруқ номи асрлар мобайнида аҳли олам диққатини тортиб келишининг бош сабаби ҳам ана шунда.

— Халқ пуфласа, бўрон, халқ тепинса, зилила бўлади, дейилмайди-да бекордан-бекорга, — Аҳмадjon аканинг фикрини тасдиқлади Азимжон Худойкулов. — Президентимиз бизни уйғотди. Мухтарам Юртбошимизнинг ҳар бир таширфидан сўнг неча-неча йиллик муаммолар бартараф этилди. Турмушимизда жиддий ўзгаришлар бўлди. Масалан, сўнгги саккиз йилда вилоятимиздаги ҳар 100 хўжаликка тўғри келадиган автомобиллар 132 фоизга, музлаткич билан телевизор 115 фоизга, кондиционер — 147, кирмошини — 127, чангютич — 179, компьютер — 158 фоизга кўпайди. Ишлаб чиқариш ривожланди, даромад ошди.

— Кубро бобомиз шунинг учун ҳам “Энг ноёб неъмат ростиўйлик ва мардлик”, деганлар. Президентимизнинг мардонали иш тутуми, айтган сўзининг устидан чиқа билиши бутун бошли мамлакатга янги нафас олиб кирди. “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс” туйғуларини юракларга жойлади.

— Жуда тўғри! — Хусан Эрматовнинг фикрини қувватлади Салим Дониёров. — Тараққиёт фақат жазорат тудайили рўй беради. Президентимизнинг ростиўйлиги ва мардлиги билан, Абдулҳамид Чўлпон таъбири билан ифодалаганда, халқимиз тўлқинга, қудратли тўлқинга айланди.

Айланди!

Президент Шавкат Мирзиёевнинг кейинги саккиз йилда Фарғонага қилган ўндан ортик таширфлари ҳаммада ўзига, бугунига, эртасига ишонч уйғотди. Бебарволлик, лоқайдлик ўрнини, қилса бўлар экан-ку, деган қатъият эгаллади.

Давлат ва жамият муносабатларининг янги босқичга кўтариллиши, “Халқ давлат идоралари”га эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойилининг амалда жорий этилиши, тадбиркорларга кенг йўл очилиши, ҳуқуқий муҳит ва фуқаролар билан очик мулоқот маданиятининг пайдо бўлиши барча жаҳонларда тубдан янгилашни жараёналарини бошлаб юборди.

Ислохотларнинг шигил-шигил ҳосили ҳар қишлоғу ҳар туман ҳаётида яққол кўринмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йилги таширфи доирасида мазкур тоқзор ва боғларда бўлиб, амалга оширилган юмушлар билан танишиб чиққанидан кейин ишлар янги босқичга кўтарилди.

Хуллас, ўзлаштирилган 1000 гектар майдонда вилоят ҳокимлиги ҳамда Агросаноатни ривожлантириш агентлиги томонидан лойиҳада кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун қиймати 102 миллиард сўм бўлган ишлар бажарилди. Бу пулларнинг асосини тижорат ва маҳаллий банклар кредити ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ташкил этди. Жаҳон банки 1 миллион АҚШ доллари микдоридеда грант ажратди.

Ўзлаштирилган ер майдонлари 1421 та лотга бўлиниб, 560 гектаридеда узумзор ва 300 гектаридеда интенсив боғлар ҳамда 140 гектаридеда инфратузилма майдони ташкил этилди.

Тоқзорларга 5 турдаги — “Хўсайни”, “Келин бармок”, “Мерс”, “Ризамат” ва “Қишмиш” навли узумлар, интенсив боғларга эса олма, гилос, ўрик кўчатлари экилди.

Худудда 3 мингдан ортик янги иш ўринлари ташкил этилиб, ишсиз ёшлар ва эҳтиёжманд оилалар, жумладан, хориждан қайтиб келган меҳнат муҳожирлари иш билан таъминланди.

Замонавий агросаноат мажмуида етиштирилган маҳсулотларнинг 30,4 фоизи Туркия, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон ва бошқа МДҲ давлатларига экспорт қилинмоқда, 64,4 фоизи ички бозорда сотилиб, 5,2 фоизи қайта ишланмоқда.

Бугунги кунда 2 мингдан ортик иш ўринлари яратилган бўлса, бу рақам келажақда 3145 тага кўпаяди. 1 гектар ер майдонидан олинадиган даромад 180 — 200 миллион сўмга, 1 нафар фуқаронинг даромади эса 45 — 50 миллион сўмга етагаги ҳам аниқ-тиниқ ҳисоб-китоб қилинган.



Абдусодиқ КҶЧИМОВ,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

— Мен Россияда мигрант эдим, — дейди “Қўрғонча” МФИда яшовчи Азизжон Исмоилов. — Уйга қайтиб келганимдан кейин тоқзордан 20 сотих ер беришди. Тоқлар орасига ловия, тарвуз, маккажўхори экиб, дастлаб 15 миллион сўм даромад олдим. Тоқларим тўлиқ ҳосилга киргани сайин даромадим ортиб борапти, Худо хоҳласа, ҳадемай, ҳақиқий миллионер бўламан.

Азизжондек бўлгуси миллионерлар Фарғонада оз эмас.

Энди икки оғиз кластер дейилмиш мўъжиза ҳақида.

Маълумки, “кластер” атамаси лисонимизга кириб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, бу калима каттаю кичик — ҳамманинг вуқудига сингиб улгурди. Сабаби аён: кластер иқтисодиётимиз юксалишининг илҳомчиси. Бунини Фарғона мисолида, биргина пахтачилик соҳаси ҳам аён кўрсатиб турибди. Мана, 2022 йилга доир бир мисол. Ўша йили вилоятдаги 2 минг 509 та фермер хўжалиги томонидан 82 минг гектар майдонга чигит экилди. Фермерлар 13 та пахта тўқимачилиги кластер қорхонаси билан 285 минг тонна пахта хомаёси етиштириш бўйича шартномалар имзолашди.

Мавсумда 285,8 минг тонна пахта хомаёси етиштирилди. Вилоятда пахта ҳосилдорлиги кўрсаткичи 2021 йилдагига нисбатан 1,5 центнерга ошди. Яъни 2021 йилда вилоятда пахта ҳосилдорлиги 33,3 центнерни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 34,8 центнерга етди.

Тўқимачилик тармоғи хомаёш, экспорт ва аҳоли бандлигида улкан салоҳиятга эга. Фақат илмга асосланиб самарадорлиқни ошириш, жайдарича айтганда, “ишининг кўзини билиш” керак. “Ишининг кўзини” биладиган кластерлар пайдо бўлди.

Эндиликда “Global textile group” — дунёдаги энг яхши ипларни ишлаб чиқарадиган Ўзбекистондаги етакчи тўқимачилик компанияларидан бири ҳисобланади. Мазкур компания гуруҳига Тошкент ва Фарғона шаҳарларида жойлашган бир неча йнгирув фабрикалари, тўқиш, бўяш устaxonалари, пахта тозалаш заводи, шунингдек, томчилатиб суғориш тизимига эга пахта далалари қиради. Компанияда тўлиқ кластер тизими жорий этилган бўлиб, пахта етиштиришдан тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришгача бўлган барча босқичлар “Global textile group”да амалга ошириллади.

Бугунги кунда компания ўз маҳсулотларини Марказий ва Шарқий Европа, Бангладеш, Туркия, Хитой, Россия Федерациясига экспорт қилмоқда, шунингдек, маҳаллий бозорда сотмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил май ойида вилоятга таширфи чоғида “Global textile infinity” кластерининг ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишган эди. Ўшандаги кўрсатмалар асосида лойиҳа жадаллаштирилиб, декабрда ишга туширилди.

Шу ўринда ҳамроҳлар суҳбатидан бир қадам четлаб, хинд доишамандининг бир ҳикматиини эсламоқчиман: “Катта даҳлат ўзгаларга соя бера, ўзи эса офтобда турар ва ўзи учун эмас, бошқаларнинг хузуру-халовати учун мева берав”. Мамлакат раҳбарининг меҳр булоғидан сув ичаётган Фарғона тўғрисида айтилгандай туюлади, назаримда, бу сўзлар. Фарғона ҳам бир асим даҳлат мисоли кун сайин кўкка юксалиб бормоқда.

Агар 7-8 йил орасидаги юксалиш одимлари яна бир қарра рақамларга солиб қаралса, бағоят хайратомуз манзаралар пайдо бўлади одамнинг кўз ўнгига. Қаранг, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2024 йил якуни билан 91,3 триллион сўмни ташкил этиб, 2017 йилдагига нисбатан 4 баравар ошган.

Саноат қорхоналари сони етти йил аввалги 4520 тадан 12900 тага кўпайган. Бу қорхоналарда 2017 йилда 9,7 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланган. Мазкур кўрсаткич 2025 йил охирига бориб 108,3 триллион сўмни ташкил қилади.

Йўл бўйи хизмат кўрсатиш йўналишида Бешарик, Қўштепа, Ёёёвон, Тошқол, Қува ва Қувасой туманларидаги 22 гектар майдонда 150 дан ортик объектлар ташкил этилиб, 400 нафар аҳолининг бандлиги таъминланади.

Сўх туманида Уғом дарёси таҳрибаси асосида 25 гектар майдонда туризм ва соғломлаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш объеклари очилди. 8 та кўп қаватли уй, санаторий, меҳмон уйлари, минимолл, кузатув минораси, спорт мажмуаси каби объектлар қурилади.

Тадбиркорлар сафидаги ўсишни айтмайсизми? 2017 йилда барча тадбиркорлар 18200 нафарни ташкил қилган бўлса, эндиликда уларнинг сони 58600 нафарга етди. Йил охиригача яна 10 мингта тадбиркорлик субъекти иш бошлайди.

Бундан ташқари, Бешарик туманидаги Сариққамиш кўли атрофида 40 гектар майдонда “Овчилик туризми” йўналишида дам олиш маскани ва хизмат кўрсатиш маркази ташкил этиш лойиҳасининг мастер-ржеаси ишлаб чиқилмоқда.

Умуман, бугун Фарғонада жами 27560 та якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритиб, мазкур йўналишда Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятидан сўнг унчинчи ўринни эгаллаб турибди.

Туризм барча вилоятлардаги каби Фарғона-

да ҳам иқтисодиётнинг энг йирик қарвони саналади. Водийда азиз жойлар, қадимий манзиллар, азиз-авлиёларнинг қадамжолари, умуман, хорижлик меҳмонлар бир қўришни орзу қиладиган манзиллар жуда кўп. 2020 йилда вилоятга 56 минг нафар хорижий ва 500 минг нафар маҳаллий сайёҳ таширф буюргани, 2024 йилда эса хорижий сайёҳлар сони 469 минг, маҳаллий туристлар сони 2,8 миллион нафарга етгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Шунга қарамай, ҳар қадами осориатикалар макони бўлган Фарғона учун бу етарли эмас. Мисол учун, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган меҳмонхоналар, улардаги хизмат кўрсатиш маданияти кам эди.

Давлатимиз раҳбари 2023 йили вилоятга келган пайти Фарғонада юлдуз тоифасидаги меҳмонхоналар мавжуд эмаслигини танқид қилди. Адолатли танқид қисқа вақтда мева берди — юлдузли 13 та меҳмонхона ишга туширилди. Йил якунигача яна 10 та меҳмонхона шундай тоифага сазовор бўлади.

2025 йилда туризм йўналишида умумий қиймати 1,2 триллион сўм бўлган 125 та лойиҳа амалга оширилади ва 3250 та янги иш ўрни яратилади.

Сулув табиати, бетакрор салоҳияти билан аҳли олам эътиборини ўзига жалб қилаётган, 2024 йилнинг ўзида 10 та халқаро, 15 та республика миқёсидаги 65 та фестивал, форум, конференция, концерт-томоша ва бошқа турдаги оммавий тадбирлар ўтказилган Фарғонада кўп юлдузли, энг замонавий меҳмонхоналар, кўпайиши зарур-да! Ахир “Атлас байрами”, VI халқаро анъанавий тўқимачилик фестивали, анъанавий “Туркий халқлар хунармандчилиги” мавзусидаги форум, “Лаванда фестивали”, “Фарғона — водий гавахари. Инвестиция ва туризм истиқболлари” халқаро форуми, “Аҳмад ал-Фарғонийнинг дунё астрономия илмига қўшган ҳиссаси” халқаро конференцияси каби халқаро фестиваллар, форумлар, конференциялар ҳамма жойларда ўтказилавермайди-ку! Шундай эмасми?

— Президентимизнинг сўзларидан кейин галла ва пахта далалари четиға “дала қозон”га деб минг тулга янги аччиқ қалампир эдим, — дейди фермер. — Ер экинни соғиниб қолган эканми, ҳосил қуйилиб кетди. Уни дастлаб хўжалигимиз қалампирхўрларига улашдим. Йўқ, узун, тўқ қирмиз рангли, аччиқликда “чемпион” қалампирлар “мени уз, мени уз” деб тураверди. Кейин оиламиз билан ҳашар қилиб бир кун давомида ҳосилини йнгиштириб олдик. Улашганларимдан қолгани нақ 850 килони ташкил қилди. Қалампирни қопплаб, бир халтасини туман бозорига олиб бордим.

Олма-олмани кўриб ранг олади-да! Бугун Фарғонада қалампир экаётганларнинг саноғи йўқ. Шу йилнинг 8 ойида етиштирилган 806,6 тонна аччиқ қалампир Жанубий Осиё мамлакатларига экспорт қилинди ва 996,1 минг доллар даромад олинди.

Кўрасиз, қалампир етиштирувчилар сони келажакда янада қўпаяди.

Биз кўпинча хориждан келадиган сармояларни инвестиция, деймиз. Аслини олганда, ички имкониятлардан оқилона фойдаланишининг ўзи ҳам энг катта инвестиция.

Фарғонада бу каби қанча-қанча “инвестиция булоқлари” қайнаб-тошиб ётибди. Фарғоналик икки ижодкор Охунжон Ҳаким ва Йўлдош Сулаймон публицистикасига бағишланган илмий-амалий конференция баҳонасидаги сафар давомида бунга яна бир бор имонимиз қомил бўлди. Айни чоғда, қуйидаги хулоса қалбимизга муҳрланди: биз Фарғонани қайтадан кашф этдик!

“Кашф этдик!” ибораси айрича жозибаси билан вилоят кутубхонасида ўтган конференция чоғида ҳам, шаҳар ва қишлоқларда меҳнатқашлар билан бўлган учрашув-суҳбатларда ҳам қайта-қайта тилга олинди.

— *Эшитинглар!* — топшириқ охангига мурожаат қилди қайтаётганимизда Обидов:

Бу Ватан қандай Ватандир,  
хар гўшасида турмалар,  
Қўнгани бир ер тополмай осмонда  
ййглар турналар.

Сиз асир бўлган қафасни тишларим  
бирлан бузай,

Бузмасам махшар куни бағримни  
армон тирналар.

— Биласизми бу қайғули мисраларнинг ижодкори ким?

— Халқ! — ўз саволига ўзи жавоб қайтариб давом этди у. — Таҳқирланган, эзилган, адолатсизликдан бағри қонга тўлган халқ. Мусибатлар силсиласидан аланазда халқ ўзининг маҳзун ва муғлил ҳаётини, исёнини, мунаввар кунлар умидини шу тарзда баён этган.

Худого шукр, у кунлар ўтмишга айланди. Агар боболаримиз бугунги бахтга тўла далаларни ўз кўзлари билан кўрганда нима деган бўлар эдилар?

— Тушуяписизми ҳурматли шоирлар, Обидов жаноблари нима демоқчи? — жиддий қиёфада атрофдагиларга юзланди Мелибоев. — Жааноб Обидов шеърга жавоб қайтаринг, демоқдалар.

Шоирлар ҳам тайёр туришган эканми, Норқобил Жалил:

— Бу Ватанга келса, қайтиб кетолмайди турналар.

Абдурасул Жумакул:

— Ҳар юракка таъзим қилмай  
ўтолмайди турналар.

Фармон Тош:

— Ҳар қадамда меҳнат, ижод,  
яшаш завқи муҳташам.

Хусан Эрматов (ҳам яхшигина шоир экан):

— Бахт кўрғонин ҳисобига етолмайди  
турналар.

Ҳаммамиз беихтиёр жүр бўлиб айтиб юбордик:

Бу Ватанга келса,  
қайтиб кетолмайди турналар...



# ЧАНГ-ТЎЗОНЛАР ҚУРШОВИДА ҚОЛАЁТГАН ШАҲАР

## ЁХУД ТОШКЕНТ ҲАВОСИ ЯҚИН ЙИЛЛАРДА ТАБИЙ РАВИШДА ЯХШИЛАНИШИДАН УМИД БОРМИ?

Тошкент охириги йилларда жаҳон ҳаво сифати рейтингида дунёнинг ҳавоси энг ифлос шахри сифатида тез-тез тилга тушмоқда. Охириги бир ой мисолида айтганда, икки марта — 22 сентябрь ҳамда 6 октябрь кунлари пойтахтимиз ҳавоси ёмонлиги бўйича дунёда 1-ўринга чиқди.

Дарҳақиқат, 6 октябрь соат 10:00 ҳолатига кўра, Тошкент шахри ҳавосида майда “PM-2,5” дисперс зарраларининг концентрацияси 158 мкг/м<sup>3</sup>ни ташкил этди. “PM-10” туридаги зарарли заррачалар миқдори эса 269,7 мкг/м<sup>3</sup>га етди. Бу Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти белгиланган меъёрдан қарийб 6 баробар юқори бўлиб, инсон саломатлиги учун хавфли даража ҳисобланади. Бундан англашиладики, мамлакат бош кентининг ҳавоси экологик муаммо чизигини аллақачон кесиб ўтиб, ижтимоий-иқтисодий масала даражасига кўтарилиб улгурди.

### Долзарб мавзу

#### Тизимли муаммолар ҳосиласи

Ҳўш, яқин-яқингача ўзининг баҳаво гўшалари, сўлим боғлари, яшил мас-канлари билан барчани мафтун этган Тошкент нега чанг ва тўзонлар қуршовига тушиб қолди? Шаҳар ҳавоси бул-ғаншишининг асосий сабаби нима? Му-аммонинг илдизи қаерда?

Иқлимшуносларнинг фикрича, Тош-кент дунёнинг энг ифлосланган ша-ҳарлари қаторида юқори ўринларда ту-риши — бу тасодиф эмас, аксинча, иқлим ўзгариши, кўп йиллик шаҳар-созлик ва экологик сиёсатдаги тизим-ли муаммоларнинг ҳосиласидир.

— Сўнгги йилларда Тошкент ҳалқро ҳаво сифати индекси платформасида дунёнинг ҳавоси энг ёмон 120 та ий-рик шахри орасида 18 — 26-ўринлар-ни эгаллаб турибди, — дейди Гидро-метеорология илмий-тадқиқот инсти-тути Амалий иқлимшунослик лабора-торияси мудири Эркин Абдулахатов. — Ўрганиш ва кузатувлар таҳлиллари-га қараганда, шаҳар ҳавоси сифати, асосан, майда “PM-2,5” заррачаси ҳисобига ёмонлашмоқда. Ушбу ифлос-лантурувчи заррача келиб чиқishнинг бешта сабабини келтириш мумкин.

**Биринчиси**, шамол режимининг бўзулиши ва ҳаво айланishiга тўсқинлик қилувчи саноат зоналари ҳамда кўп қаватли бино-иншоот-ларнинг шамол йўлаклари қолдир-масдан қад кўтарилиши. Тошкент-нинг жанубий ва ғарбий томонла-рида жойлашган йирик заводлар ҳамда аҳоли зич тураржойларидан чиқадиған чикиндилар шамол йўналишлари билан шаҳар маркази-га қайта юзланиб, “смог эффек-ти”ни кучайтирмоқда.

**Иккинчиси**, автотранспортлар улуши катталигича қолмоқда. Тош-кент шаҳрида ҳавога чиқадиған ифлос “PM-2,5” моддаларининг 16 фоиздан ортиги айнан автомо-биллар ҳиссасига тўғри келади. Транспорт тизимида евро-мелёр-ларга мос келмайдиган ёнгли тур-лари, дизель ва газ-двигателли машиналарнинг кўплиги, айниқса, куз-киш ойларида ҳаво сифати ёмонлашишига мунтазам таъсир кўрсатмоқда.

**Учинчиси**, рельеф ва урбани-зация зилиги. Тошкент илгари нисбатан очик шамол водийлари-га эга бўлган. Сув объектлари, ка-наллар, ариқлар, дарёлардаги шарқироқ сувлар шамол ҳарака-тини мунтазам кучайтириб келган. Аммо кейинги ўн йилликларда қурилишлар ҳаддан зиёд зичла-шиб, микроиқлимий ҳаво айлани-ши йўқолди. Бу шаҳар устидаги ҳаво қатламнинг “туриб қолиши”-га олиб келмоқда.

**Тўртинчиси**, Жанубий Қозо-ғистонда чўлланиш жараёни тез-лашиб, унинг Шарққа томон ку-чайиши ортидан пойтахтга йил да-вомида Ғарбий шамоллар орқали чанг ҳаво кириб келишини кўпайтириб юборди.

**Бешинчиси**, Тошкент атрофи-даги иссиқхоналарда қиш фасли-да кўмир ёқилиши оқибатида ҳаво-га кўтарилган майда заррача-лар миқдорининг ортishi ҳам пой-тахтда ҳаво сифатини совуқ мав-сумларда ёмонлашишида асосий омилга айланди.

#### Қонун ишлаши керак

Ҳавонинг ёмонлашиб бораётгани ҳақида гап кетганда, шаҳар аҳолиси ва жамоатчилик фаоллари муаммонинг илдизини шахарсозлик сиёсатидаги кемтикликлар, пала-партиш қурилиш-лар билан боғлайди. Уларнинг иддао қилишича, пойтахтда бир қарич ҳам бўш ер қолмапти. Хатто кўп қаватли уйлар ўртасидаги болалар майдонча-ларида ҳам маҳалла идораси қуриш ба-ҳонасида улкан иншоотлар пайдо бўлиб қолмоқда. Оқибатда шамол

йўллари тўсилиб, ҳаво айланмапти.

Бу гапларда жон бор, албатта. Тош-кент кейинги пайтда энг йирик бунёд-корлик майдонига айланган. Қурилиш ишларида айнан пойтахт етакчилигини кўлдан бермасдан келаётганини Мил-лий статистика қўмитаси маълумотла-ри ҳам тасдиқлайди. Унда келтирили-шича, Ўзбекистонда 2025 йилнинг ян-варь — август ойларида жами 188,5 трлн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2024 йилнинг мос даври-дагига нисбатан 11,5 фоиз ошган. Ушбу кўрсаткич ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Тошкент шаҳрида 56,2 трлн. сўмлик бунёдкорлик ишла-ри бажарилгани ҳолда, мамлакатда би-ринчи ўринни эгаллади.

Тўғри, шаҳар обод бўлгани, замо-навий қиёфага киргани яхши. Бунга ҳеч кимнинг қаршилиги йўқ. Ҳамма эъти-роз ўша қурилиш майдонларида чанг кўтарилмаслиги учун сув селиб, гард кўтарилишининг олдини олиш, атроф-ни тўрли воситалар ёрдамида ўраб қўйиш, транспорт воситалари кўчага чиқишдан олдин шиналарини лой ва туپроқдан тозалаш каби оддий ва ўта муҳим талабларни бажармаслигига бо-риб тақалмоқда. Ваҳоланки, мустақил-лиқнинг дастлабки йиллари, аниқроғи, 1996 йилда қабул қилинган “Атмосфе-ра ҳавосини муҳофаза қилиш тўғри-сида”ги Қонун ва бошқа ҳужжатларда булар акс эттирилган.

Ушбу қонунда аҳоли ўз ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атмосфера ҳаво-сидан фойдаланиши, атмосфера ҳаво-сига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар қайтарилиши ҳамда унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши туфайли ўз соғлиғига ва мол-мулкига зиён етқа-зилган ҳолларда зарарнинг ўрни қоп-ланиши фуқаролик ҳуқуқи эканлиги белгилан қўйилган. Аммо айрим қури-лиш компаниялари қонун талабларини четлаб ўтишга уринаётганию пойтахти азиямининг ҳавоси ёмонлашиб бораёт-гани, аввало, қонун ижросида суёт-кашликка йўл қўйилаётганидан дало-лат эмасми?!

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъуллари шаҳар ҳавоси ифлослани-шига фақат антропоген (инсон фаоли-яти билан боғлиқ) омиллар эмас, балки табиий жараёнлар ва иқлим ша-роитлари ҳам кучли таъсир кўрсатмоқ-да, деган фикрни илгари сурмоқда.

— Тошкент куруқ континентал иқлим минтақасида жойлашган бўлиб, ёзда ҳароратнинг юқори, қишда эса паст бўлиши билан характерланади. Бундай шароитда ҳаво ҳаракати суст кечади,



бу эса ифлослантирувчи моддалар тарқалишини, яъни сийрақлашини қийинлаштиради, — дейди вазирлик-нинг Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва мониторинг бўлими бош му-тахассиси Нозим Носиров. — Яъни ин-версия ҳодисаси тез-тез кузатилади, бунда совуқ ҳаво паст қатламда, илқ ҳаво эса юқорида тўпланади. Натижа-да ифлослантирувчи газлар ва чанг заррачалари паст қатламда “қамалиб” қолади. Қиш ойларида туман ва намлик кўпайиб, зарарли заррачалар-нинг концентрацияси кескин ортади.

#### «Чанг мавсуми» бошландими?

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

2024 йил бошида Тошкент шахри ат-мосфера ҳавоси ифлослангани ҳақида расмий баёнот бериб, муаммо ечимли юзасидан бир қатор таклифларни ҳам илгари сурганди. Бироқ вазирлиқнинг ушбу чакриғи самараси амалда се-зилмапти. Аҳоли, айниқса, кексалар ва беморлар совуқ тушиши билан пой-тахт ҳавоси янада оғирлашиб, нафас олиш қийинлашиб кетишидан хавотир-га тушмоқда.

Бу ҳадиқлар ўз-ўзидан пайдо бўлга-ни йўқ, албатта. Иқлимшунослар таҳ-лилларига қараганда, октябрь ойидан пойтахтимизда “чанг мавсуми” бошла-нади. Ҳа, янглиш эшитмадигиз. Бошқа давлатларда ёмғирлар, туман-лар мавсуми бўлса, бизда чанг ва ғуборлар ҳодисаси кузатиляпти. Бу ҳолат олти ой, то мартгача давом эти-ши шаҳар экологияси қанчалик абгор эканлигини айтиб турибди.

Ўтган йиллар тажрибасига қараган-

“*Экспертларнинг фикрича, Тошкент ҳавосининг сифат кўрсаткичлари пасайиб кетган бўлса-да, ифлосланиш манбалари бўйича реал вақтли мониторинг етишмайди. Ҳозирги тизим, асосан, реактив характерда бўлиб, муаммо юзага чиққанидан кейин чора кўрилади, холос. Шунда ҳам аниқ бир профилактик ёндашув йўқлиги туфайли вазият ижобий томонга силжимапти. Бу ҳолатни ўзгартириш учун Тошкентнинг атмосфера динамикаси бўйича янгиланган аэроиқлимий хариталар, ифлосланиш тарқалиши моделлари ва реал вақтли сенсор тармоқлари асосида шаҳарни қайта экологик балансга келтириш ўта зарур.*”

да, ҳаво сифати, айниқса, январь ойи-да ўта ёмонлашиш эҳтимоли юқори. Сабаби, ўша пайтда ҳавони ифлослан-тирувчи барча ресурслар ишга туша-ди. Бу етмаганидек, қургўқчилик оқибатида чанг тўзонлари ҳам кўтари-либ, вазиятни баттар оғирлаштириши мумкин.

— Олдиндан бундай прогноз қилиш-га ҳали ҳеч қандай асос йўқ, — дейди Нозим Носиров. — Юртимизда нафа-қат Тошкент шахри, балки бутун рес-публика миқёсида атмосфера ҳавоси-ни муҳофаза этиш, унинг табиий тар-кибини сақлаш борасида қатор тад-бирлар амалга оширилмоқда. Бунга мисол тариқасида транспорт восита-ларининг салбий таъсирини камайти-риш мақсадида “АИ-80” русумдаги бензин ёнилғисидан воз кечилмоқда.

Яъни “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан сентябрь ойидан “АИ-80” русумидаги бензинни биржа савдоларига чиқариш тўхтатилди. Бунинг аҳамиятини ан-глас учун транспорт воситаларининг сифатли ёнилғида ҳаракатланиши ту-файли атмосфера ҳавосини ифлос-лантиришда автоуовлар улуши 4 фо-изга камайишини келтириш қиёфа, на-заримда.

Қолаверса, Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2025 йил 24 сентябрдаги тегиш-ли қарорига асосан 2030 йилдан бошлаб Тошкент шахри ва унга туташ Тошкент вилояти ҳудудларида жойлаш-ган иситиш ва электр энергияси ишлаб чиқариш корхоналарида ёқилғи сифатида мазутдан фойдаланиш та-қиқланади. 2025 йилнинг куз-қиш мав-сумидан бошлаб захира ёқилғи сифа-

тида мазутдан фойдаланишга фақат ҳукумат қарори асосида об-ҳаво ва технологик режимлардан келиб чиққан ҳолда йўл қўйилиши белгиланган.

Бизга тақдим этилган маълумотлар-га кўра, ҳавога зарарли ташламалар-ни камайтириш мақсадида мазут ёқил-ғисидан фойдаланадиган иссиқлик марказларини чанг-газ тозалаш уску-налари билан жиҳозлаш ишлари амал-га оширилмоқда. Бундай тадбирлар саноат корхоналарида ҳам олиб бо-риллаётгани кишида ҳаво мусаффо бўлишига умид учкунларини уйғотяпти. Масалан, 2024 йилда 185 та сано-ат корхонасида чангни тозалаш уску-налари модернизация қилинган бўлса, 2025 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, яна 75 та саноат корхонасида 140 га яқин чангни тозалаш ускуналари мо-дернизацияси бажарилган.

#### Экологик ҳаракатлар ҳозирча сезилгани йўқ

Экспертларнинг фикрича, Тошкент ҳавосининг сифат кўрсаткичлари па-сайиб кетган бўлса-да, ифлосланиш манбалари бўйича реал вақтли мони-торинг етишмайди. Ҳозирги тизим, асосан, реактив характерда бўлиб, му-аммо юзага чиққанидан кейин чора кўрилади, холос. Шунда ҳам аниқ бир профилактик ёндашув йўқлиги туфай-ли вазият ижобий томонга силжима-пти. Бу ҳолатни ўзгартириш учун Тош-кентнинг атмосфера динамикаси бўйи-ча янгиланган аэроиқлимий хариталар, ифлосланиш тарқалиши моделлари ва реал вақтли сенсор тармоқлари асо-

ёмонлашиб қолгани йўқ. Тахлилий ва қиёсий маълумотлар кўрсатишмича, бу жараён 2016 йиллардан бошлаб тез-лашган. Яъни иқлим ўзгариши шарои-тида ҳароратнинг муттасил юқори кўта-рилиб бориш фонида минтақада чўл деградацияси кузатилмоқда. Бу эса ҳавода табиий равишда чанг массаси ортishi, урбанизация эса шаҳарларда ҳам табиий чанг, ҳам қурилиш ва бошқа антропоген чанглр кўпайиши-га олиб келди. Оқибатда Тошкент ҳаво-си ифлослиги балинд бўлган Фарғо-на, Навоий, Ангрен ва Олмалиқ ша-ҳарларини ортда қолдириб, биринчи ўринга чиқиб олди.

Пойтахт ҳавоси сифатининг яхши эмаслигини мутасадди вазирлик ва идоралар ҳам инкор этмаяпти. Шу би-лан бирга, қачон унинг инсон сало-матлиги учун хавфсиз даражада бўли-ши ҳақида ҳам аниқ гап йўқ.

Иқлимшунос Эркин Абдулахатовнинг куйини айтишича, пойтахт ҳавосини яқин йилларда табиий равишда яхши-ланишидан умид йўқ: йилдан-йилга ёмонлашиб кетаверади. Чунки вазия-тни яхшилаш борасида деярли катта экологик ҳаракатлар ҳалигача бошлан-мади. Қурилиш ва лойиҳалаштиришда шамол эсишини таъминлаш мақсади-да аэродинамик усуллар асосида архи-тектура қурилиш стандартлари ҳамда шамол йўлакларини инobatга олиш тавсия этилади.

#### Огоҳлик кўнғироғи

Ёши олтимшидан оғир қўнимиз уйини сотмоқчи бўлганини эшитиб, ҳайрон бўлдим.

— Соғлигим кўтармаяпти, бу чангли ҳавода фасил қисиб қоляпти, — дей-ди у. — Биласизми-йўқ, бронхиял ас-та азоб бериб келади. Кейинги пайт-да бу дард кучайиб кетди. Шифокор-лар баҳаво жойларда юринг, дейди. Ноилож, уйимни сотиб, ҳавоси тоза жойдан бошпана қиламан. Лекин бу ёшда бегона жойда кўним топиш, ота қадрдонларни ташлаб кетиш осон эмас...

Башарти, вазият оғир экан, чанг таъсирини камайтириш, энг бебаҳо бўйлик саналган саломатлиқни сақлаш учун нима қилмоқ керак? Ахир, шифо-корлар бот-бот огоҳлантираётганидек, чанг соғлиқ қушандасидир. Ҳаво иф-лосланиши оқибатида чанг заррача-лари оғиз-бурун, хатто ўпкага таъсир қилиб, илгари кашандаларда кузатил-ган касалликлар кўпайиб бораётгани айтилмоқда. Бу экологик бўҳрон на-фас йўлларида онкологик касалликлар-ни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳам инкор этилмаепти.

Чанг-ғуборли ноқулай об-ҳаво ша-роитида қандай тиббий тавсияларга амал қилиш лозим?

— Бундай вазиятда имкон қадар очик ҳавода юрмаслик зарур, — дей-ди Республика илмий ихтисослашти-рилган аллергология маркази дирек-тори, тиббиёт фанлари доктори, про-фессор Илмира Розикова. — Айниқса, бронхиял астма, аллергик ринит, ал-лергик конъюктивит, томоқ қичишиши билан кузатиладиган йўтал, бронхит, бронхлар гиперреактивлиги ва бошқа нафас йўли сурункали касалликлари бор инсонлар ташқарига чиқмаслик-лари керак. Чунки тўзонли ҳаво тарки-бида ўсимлик чанглари, замбуруғ спора-лари жуда катта концентрацияда бўлади. Шу боис хасталиклар бор ки-шилар шифокор маслаҳати билан ал-лергияга қарши дори воситалари до-заларини оширишлари лозим.

Хона ёки иншоотларни нам латта билан тозалаб туриш, уй ёки бино ичи-га, атрофига сув солинган идишлар қўйиш чанг даражасини пасайтиришга хизмат қилади. Қолаверса, бундай ва-зиятда нам сочиқларни осиб қўйиш, кондиционер ва ҳавони тозалаш ти-зимлари ҳам асқатади. Деразаларни ёпиқ ҳолда сақлаш, кўпроқ сув ичи-ш, тез-тез душ қабул қилиш нафас олиш-ни енгиллаштиради. Оғиз ва бурун бўшлиғини тузли эритма билан ювиб туриш ҳам катта самара беради. Очик ҳавода юрганда, албатта, тиббий на-қўб тақиш ва уларни тез-тез ал-маштириш шарт. Ёш болалар, хоми-ладор аёллар ва ёши катта инсонлар ҳам бундай вазиятда эҳтиёткор бўлиш-лари тавсия этилади.

Тиб илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино айтганидек, “Агар ҳавода чанг ва тўзон бўлмаса эди, киши минг йил яшаган бўларди”. Шу маънода, пой-тахт ҳавосининг аҳоли саломатлигига кўрсатаётган таъсирини илмий жиҳат-дан тадқиқ қилиш зарур. Бинобарин, вазият шундай давом этса, яқин кела-жақда аҳоли эмин-эркин нафас олиши учун кислород баллонларига эҳтиёж сезиши прогноз қилинмоқда. Бу келажагига бефарқ бўлмаган жамият учун огоҳлик кўнғироғи бўлиб жаранглаши шарт!

Санд РАҲМОН  
(«Халқ сўзи»).

#### Янги тизим

### Жамоатчилик назоратининг рақамли механизми

Истеъмолчилар учун дори-дармон харид қилишда яратилган янги рақамли платформа жамоатчилик назоратининг замонавий модели сифатида эътироф этила бошлади. Фармацевтика соҳаси учун муҳим янгилик бўлган бу платформа “FAIR TECH” ягона ахборот тизими орқали аҳолининг дори воситалари нархлари устидан реал вақтда назорат ўрнатишига имконият беради.

Бу тизимда фуқаролар мобиль илова ёрдамида касса чекларини QR-код орқали сканерлаб, белги-ланган нархдан ошиб кетиш ҳолат-ларини аниқлай олади. Асосииз ус-тама аниқланса, маълумот автома-тик равишда кўмиитага юборилади ва ортқича тўланган маблағ фуқарога қайтарилади.

Рақобатни ривожлантириш ва ис-теъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси маълумотларига кўра, ушбу тизим орқали 1 525 та дорихонада 332 704 та ҳолатда умум-ий 14,2 млрд. сўмлик асосииз да-ромад олингани аниқланди. Мазкур маблағлар истеъмолчиларга қайта-рилиши таъминланди. Бу жамоатчи-лик назоратининг рақамли механиз-ми самарали ишлаётганини кўрса-тади. Шундай қилиб, фуқаролар ўз ҳуқуқларини рақамли платформа ор-қали мустақил ҳимоялаш имкония-тига эга бўлмоқда.

Янги қуриляётган уй-жойларни улуш қиритиш асосида харид қилишда ҳам жамоатчилик назора-тини кучайтириш мақсадида “Эск-ро” тизими жорий этилди. Бу ти-зим йўлга қўйилиш натижасида жо-рий йилда ўтган йилнинг мос дав-ридагига нисбатан муурожаатлар сони 25 фоизга қисқарди.

Фахриддин БОЗОРОВ  
(«Халқ сўзи»).

#### Кулайлик

### Замонавий автошоҳбекат ишга тушди

Термиз туманида барпо этилган янги автошоҳбекат нафақат ташқи қўриниши, балки йўловчилар учун яратилган қулайликлар ва хизмат сифати билан ҳам эътиборни тортмоқда.



Бир вақтнинг ўзида 1000 нафар йўловчига хизмат кўрсата олади-ган автошоҳбекат Термиз шахри ва унинг атрофидаги 7 та туман аҳолиси учун янги имкониятлар эшигини очди. Айниқса, “М-41” халқаро автомагистрали йўнали-шида ҳаракатланувчи йўловчилар учун бу маскан янги марказга айланимоқда.

Янги автошоҳбекат транспорт тизимини яхшилаш, шаҳарга ки-риш-чиқиш жараёнларини енгил-лаштириш, янги йўналишлар таш-кил қилиш, тезкор ва хавфсиз ҳаракатни таъминлашда ҳам му-ҳим аҳамият касб этади.

— Термиз шахри — Жайраҳона йўналишида ҳаракатланувчи 303-автобус ҳайдовчисиман, — дейди Шавкат Валикулов. — Бу шоҳбекатнинг барпо этилгани биз, ҳайдовчилар учун ҳам катта қулай-лик яратди — ҳамма нарса аниқ, жойлар кенг, навбат тизимга туш-ган. Йўловчилар ҳам рози, энг асосийси, хавфсизлик таъмин-ланган.

Янги автошоҳбекатнинг ишга туширилиши вилоятда транспорт инфратузилмасининг ривожлани-шига хизмат қилиши бораберида иқтисодий фаоллик ва ижтимоий қулайликни ҳам ошириши ку-тилмоқда.

Фарҳод ЭСОНОВ  
(«Халқ сўзи»).

## ТАРИХИМИЗ ВА ЎЗЛИГИМИЗ ИФОДАСИ

Туйғу

ОНА  
ТИЛИМГА

Минг йилларким, булбул калом  
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.  
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли  
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз,  
Булбул куйин шеърга соламан.  
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,  
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...

Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
халқ шоири.



Юнус БҲРИЕВ олган сурат.

Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,  
Рост наво наъмага таҳсин дегил.

\*\*\*

Чин сўз — мўътабар;

яхши сўз — муҳтасар.

\*\*\*

Сўзи ҳисобсиз — ўзи ҳисобсиз.

Сўзида паршонлик — ўзида пушаймонлик.

\*\*\*

Кўнгил маҳзанининг қулфи тил ва  
ул маҳзанининг қалитин сўз бил.

Алишер НАВОИЙ

Эъзоз

Ватанимиздек азиз,  
онамиздек табаррук

Инсон туғилар экан, унинг қалбига она алласи  
билан тилнинг жозибаси сингади.

Она тили — умуммиллат мулки, демак, барча  
ўзбекларнинг тил олдидаги масъулияти ҳам  
умуммиллий. Бу бебаҳо хазинадан фойдаланиш, уни  
асраш ва авайлаш, янада бойитиш ҳар бир  
инсоннинг бурчидир.



Асрлар давомиди сайқал то-  
пиб келаётган ўзбек тили жа-  
ҳонда ўз мавқеига эга. Уни яна-  
да ривохлантириш ҳақида гап  
кетар экан, бугун юртдошлари-  
мизда, айниқса, ёшларда мил-  
лий лисонимизга ҳурмат туйғу-  
сини тарбиялаш, нутқ мадани-  
ятини юксалтириш, саводхонли-  
гини ошириш долзарб масала  
эканини таъкидлаш жоиз.

Улуғ шоир Алишер Навоий-  
нинг “Тилга эътибор — элга эътибор”, деган пурмаъно  
накли хозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу  
ҳикмат умуминсоний моҳият касб этиб, ўзга халқлар тил-  
ларини ўрганиш уларга нисбатан ҳурмат-эҳтиромнинг  
ифодаси эканини ҳам намоён қилади.

Шу маънода, буюк қомусий олимлар — Абу Райҳон  
Беруний 150 дан, Абу Наср Форобий эса 100 дан кўп  
тиллари билгани бу эзгу кадрят халқимизда минг йил-  
лар давомиди ашаб келаётганидан далолат.

Шу билан бирга, хорижий тилни ўрганиш ўз она ти-  
лини эъзозлашдан бошланиши лозим. Зотан, Ўзбекис-  
тон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таъбири билан  
айтганда, “ўз она тилини севмаган, тил замирида  
ётган тарихни билмаган, қизиқмаган одам баркамол са-  
налмас. У ким, қайси юрт ва қайси миллатга мансуб  
эканидан, ўз она тилининг бой ёки камбағаллиги, майин  
ё дағаллигидан қатъи назар. Ўз тилинг ўз Ватанингдек  
азиз, ўз онангдек табаррук”.

Президентимиз ташаббуси билан жорий қилинган  
Ўзбек тили байрами кунининг шукуҳи ўзгача. Ватани-  
миздек азиз, онамиздек табаррук тилимизнинг борлиги,  
бугун жаҳон даражасига кўтарилиб, юксак минбарларда  
янграётгани ҳар биримизга чексиз қувонч, фахр-ифти-  
хор бахш этади.

Гулнора МАНСУРОВА,

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот  
технологиялари университети профессори,  
фалсафа фанлари доктори.

Мустақил  
давлатчилик  
ТИМСОЛИ

Ўзбек тили мустақил давлатчилигимиз  
тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк  
қадриятдир. Мен ўзбек тилида раван сўзлай  
олишимдан доим фахрланаман.

## Ифтихор

Корейс миллатига мансуб бўлганим билан Ўзбекистон-  
да туғилдим. Ўзбеклар ора-  
сида ўсдим, улгайдим. Мен  
шу ерда дунёни англадим, оқу  
қорани тандим. Жонахон  
Ватанимга меҳрим унинг  
миллий рамзларига, хусусан,  
давлат тилига ҳурматим бил-  
лан чамбарчас боғлиқ.

Аслида, ўзбек тилига му-  
ҳаббат қонимга, тийнатимга,  
фитратимга она сuti билан кирган, десам, муболага  
эмас. Гўдаклигимда икки ой кўшнимиз Тўхтаҳон ая мени  
кўкрак сuti билан боққан.

Бекобод туманидаги қишлоғимизда дўстларимнинг  
деярли ҳаммаси ўзбек болалар эди. Улар билан бирга  
ўйнаб, диллашиб, сирлашиб катта бўлдим. Шу боис биз-  
нинг қадриятларимиз, фикрлаш ва яшаш тарзимиз ўзбек-  
чалашиб кетган. Бунда, аввало, тилнинг аҳамияти чек-  
сиз эканини чуқур ҳис қиламан.

Ўзбек тили бугун мамлакатимизда тилию динидан,  
миллатидан қатъи назар, бутун ўзбекистонликларни бир  
халқ сифатида янада жипслаштирмакда, бир эзгу мақ-  
сад йўлида ҳамжиҳат қилмокда.

Сўнгги йилларда юртимизда давлат тилини ривож-  
лантириш, унинг нуфузи ва мавқеини ошириш, халқро  
микёсда кенг тарғиб этиш бўйича олиб борилаётган ис-  
лохотлардан жуда хурсанд бўламиз. Хусусан, кўплаб идо-  
равий ҳужжатлар давлат тилига ўтказилди, ҳудудларда-  
ги 150 мингдан зиёд ташки ёзувлар давлат тили ва рек-  
лама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига муво-  
фиқлаштирилди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвис-  
тик экспертизадан ўтказиш тизими яратилгани тегишли  
ҳужжатларнинг давлат тили талабларига мос ва услубий  
жиҳатдан пухта тайёрланишига хизмат қилмокда. Айни  
пайтда ўзбек тилидаги матнларни таҳрирлаш, уларни  
лотин ва кирилл ёзувига ўгириш ҳамда сўзларнинг луғавий  
маъносини кўрсатишга мўлжалланган электрон дас-  
турлар ҳам амалиётда фаол қўлланмокда.

Жорий йил 1 январдан бошлаб эса умумтаълим мак-  
табларида миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили  
ўқитувчиларига маошининг 50 фоизи миқдориди ойлик  
устама ҳақ тўланиши шарафли касб соҳибларининг меҳ-  
натини рағбатлантиришга хизмат қилаётир.

Президентимиз ташаббуси билан 21 октябрь сана-  
си “Ўзбек тили байрами кuni” сифатида белгилангани  
ҳамиша халқимизга ифтихор бағишлайди. Зеро, бу дав-  
лат тилига эҳтиром ва эъзознинг яна бир амалий ифо-  
дасидир.

Ўзбек тилининг қадрига етиш, софлигини сақлаш, бой  
имкониятларини тўлақонли ишга солиш, энг муҳими, унда  
равон ва чиройли сўзлаш ҳар биримизнинг муқаддас  
бурчимиздир.

Виктор ПАК,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



## Миллат фахри

Мен АҚШ фуқароси бўлсам-да, Афғонистоннинг ўзбеклариданман. Шу боис  
ўзбек тили она тилим сифатида ҳаётим мазмунига, қалбим ториға айланган.

Фикр

Ўзбек тили она тили си-  
фатида дунёнинг кўплаб  
мамлакатларида яшовчи  
миллионлаб инсонларни  
бирлаштирмакда.

2020 йил 23 сентябрда  
Бирлашган Миллатлар  
Ташкилотининг 75-сессия-  
сида Президент Шавкат  
Мирзиёев илк бор юксак  
минбардан ўзбек тилида  
нутқ сўзлади. Бу тарихий  
лаҳза нафақат ўзбек халқи,  
балки бутун туркий дунё-  
нинг фахрига айланди. Бу  
унутилмас тарихий воқеани  
жонли тарзда кузатиб тур-  
ган турли ўлкалардаги мил-

лионлаб ўзбеклар қўллари-  
ни дуога очиб, кўзларида  
қувонч ёши ила кутиб олган-  
ига ўзим гувоҳман. Мен  
ўшанда Афғонистонда  
“Бону” телевидениесини  
бошқардим. Телеканал-  
нинг кечки ахборот дасту-  
ри орқали ушбу хушхабар



жонли эфирга узатилди. Бу  
воқеа бутун мамлакат  
бўйлаб катта шодиёна, ми-  
соли тўйга айланиб кетди.  
Ўзбек тилининг халқро ну-  
фузини янада оширди, унинг  
глобал микёсда эътироф эти-  
лишига замин яратди.

Ўзбекистон раҳбари  
кейинги йилларда ҳам БМТ  
Бош Ассамблеяси сессия-  
ларида ўзбек тилида нутқ  
сўзлаётгани барчамизни  
қувонтирмакда. Яқинда  
бўлиб ўтган Бош Ассам-  
блеянинг 80-йўбилей сес-  
сиясида ҳам қадрли лисо-  
нимизнинг янграши кўкси-

мизни ифтихорга тўлдирди.

Давлат назарида  
бўлган тил муттасил ри-  
вожланади, янада сайқал  
топади, чегаралар оша  
қанот ёзади. Бугун ўзбек  
тили — давлат, илм-фан,  
дипломатия, ахборот ва  
технология тили сифатида  
тобора кенг қулоч ёймоқда.  
Бу йўлда Президент Шавкат  
Мирзиёевнинг сиёсий  
иродаси, маънавияти,  
ватанпарварлиги, миллат-  
севарлиги муҳим аҳамият  
касб этмокда. Ўзбек тили-  
нинг давлат даражасидаги  
эътирофи, халқро майдон-  
да янграши, нафақат мада-  
ний, балки сиёсий мулоқот  
воситасига айлангани у  
миллат фахри, давлат тим-  
соли эканини яна бир бор  
тасдиқлайди.

Азизуллоҳ АРОЛОВ,  
Юнус Ражабий номидаги  
Ўзбек миллий мусиқа  
санъати институти доценти,  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори.

## Гурур ва илҳом манбаи

Мен дунёдаги кўплаб давлатларда фаолият  
юритганман. Ҳар бир мамлакатнинг таълим  
тизими, маданияти ва тили ўзига хос. Бироқ  
шундай бир ҳақиқат борки, дунёдаги ҳар бир  
миллат ҳам ўз она тилида таълим олиш  
имконига эга эмас. Айрим юртларда болалар  
бошқа тилда ўқишга мажбур.

## Фахр

Ўзбекистонга келгач, мен учун энг  
таъсирли жихат шу бўлдики — бу  
ерда болалар боғчадан то олий таъ-  
лимгача давлат тилида, яъни ўзбек  
тилида таълим олиш имконига эга.  
Ишхона ва расмий муҳитларда ҳам  
айнан шу тил қадрланади. Бу ҳолат-  
ни кўриб, чин дилдан қувондим. Чун-  
ки дунёда кўплаб инсонлар ўз она  
тили бўла туриб, ҳатто оила муҳи-  
тида ҳам бошқа тилда мулоқот  
қилишга одатланган. Ўзбек йигит-  
қизларининг эса она тилида фахр  
билан сўзлашлари, эркин фикр бил-  
диришлари менга жуда манзур  
бўлди.

Аслида ҳам, ўзбек тили нафақат  
ғўзал, балки ҳар қандай фикрни,  
ҳиссиётни ифода эта олиши билан  
ҳам аҳамиятли. Бу тилда сўзлаганда  
инсон қалбиди самимият, меҳр ва

ҳурмат уйғонади. У орқали халқнинг  
тарихи, маданияти ва руҳи сези-  
лади.

Ўзбек тили жаҳон тиллари като-  
ридан муносиб ўрин эгаллашига  
ишонаман. Чунки Ўзбекистон бугун  
дунёга юз очмокда. Тили нуфузли  
халқро минбарларда янграётир.  
Маҳияси улуғвор ареналарда катта  
ҳурмат билан тингланмокда.

Ўзбек тилининг сўз бойлиги,  
охангдор товушлари, ифода имко-  
ниятлари, маъно қатламлари орқа-  
ли халқнинг маданияти, қадриятла-  
ри, маърифати ва меҳр-оқибати на-  
моён бўлади. Бу тил менга чексиз  
илҳом бахш этади.

Аббей МАРСДЕН,  
Анджон шаҳридаги Президент  
мактаби ўқитувчиси,  
«Дўстлик» ордени соҳиби.



## Беқийёс маънавий маҳзан

Тил — миллатнинг руҳи ва уни жаҳонга танитадиган  
асосий омилдир. У тафаккур билан узвий боғлиқ ҳолда  
доимий ривожланади. Зеро, жамики эзгу ғазилатлар инсон  
онги ва шuurига она тили жозибаси ила муҳрланади.

## Эътироф

Бундан беш аср илгари  
“Кўнгил маҳзанининг қулфи  
тил ва ул маҳзанининг қалитин  
сўз бил”, деганида нақадар  
ҳақ эди ҳазрат Алишер  
Навоий. Даҳо аллома бу  
сўзлари орқали қалбга йўл  
топишда, ўзликини, миллий  
қадрият ва урф-одатларни  
англашда, тарихни билиш  
ҳамда келажақ ҳақида фикр  
юрйтишда тил муҳим аҳа-  
миятга эгаллигини ҳам урғула-  
ган, десак, муболага эмас.

Ўзбек лисони дунёдаги  
қадимий, ғўзал ва бой тиллар-  
дан бири саналади. Ундаги  
хаё, андиша, орият ва меҳрни  
миллат ойдinларининг асар-  
ларида яққол ҳис этиш мум-  
кин. Айниқса, улуғ мута-  
факкирлар — Маҳмуд Қоша-  
рийнинг “Девони луғотит турк”  
асари, Аҳмад Яссавийнинг  
ҳикматлари, Алишер Навоий-



нинг “Хамса”си, Заҳириддин  
Муҳаммад Бобурнинг “Бобур-  
нома”сини бошқа тилга айнан  
таржима қилиш мушкул. Бун-  
дай асарлар фақат ўзбек ли-  
сонидагина баркамол ярати-  
лиши мумкин, назаримда.  
Ўзбек тилининг тароватю  
сеҳрини ушбу халқнинг  
сиймосида, одамларининг са-  
мимий суҳбатларида, юксак  
ахлоқий ғазилатларида  
кўриб, эшитиб ва ҳис этиб  
ўзим учун янги дунёни очдим,  
десам, айнаи ҳақиқат.

Гап шундаки, бундан уч йил  
олдин туркий ёш ижодкорлар-

нинг Қирғизистонда форуми  
бўлиб ўтди. Айнан шу ерда  
Ўзбекистондан келган ёшлар  
билан илк бор танишдим,  
уларнинг ўзбекона лутф ва  
меҳр билан гапиришларига  
шоҳид бўлдим. Аслида ҳам,  
биз бир-биримизни таржимон  
қўмагисиз ҳам тушуна оламиз,  
бунинг учун одамда истак ва  
иштиёқ бўлса етарли. Мен  
ўзбек адабиёти билан акин-  
дан танишиш учун ушбу тил-  
ни ўрганишга бел боғлаган-  
ман, бунда ўзбекистонлик  
дўстларим яқиндан ёрдам  
бермокда.

Ўз тили учун қайғурган  
миллат дунё халқлари ораси-  
да ўз ўрнини топади, алоҳи-  
да эъзоз ва рағбатга лойиқ  
қўрилади. Шу маънода, мен  
ўзбек лисони асрлар оша  
дўстлик, меҳр-оқибат ва би-  
родарлик ифодаси ўлароқ  
бизга хуш муомалалар бериб  
туришига ишонаман.

Ойшан РАҲИМ,  
Дунё ёш турк ёзарлар  
бирлиги котиби, Озарбайжон  
Ёзарлар бирлиги аъзоси,  
таржимон.

Ўзбекистоннинг бой маданияти ва сайёҳлик салоҳияти Токиодаги фестивалда намоиш этилди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан  
руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди,  
ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:  
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва  
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани  
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор  
А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига  
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.15 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши